...Давлат китоб палатаси
Гос. книжная палата УзССР
10.5.98

Ilm o'zni bilmakdir

Ma'rifat

МАЪРИФАТ • ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ • معرفت

1931 йилдан чиқа бошлаган | 1998 йил 25 март, чоршанба | Баҳоси сотувда эркин нархда | № 22 (7019)

Da'vat

Меҳнат одамлар учун ҳузур-ҳаловатдир.

Эзоп

Ibrat

Ҳамал кириши биланоқ Ҳазорасп туманидаги 5-ўрта мактаб жамоаси экологик вазиятни яхшилаш мақсадида илм маскани теварак-атрофини кўкаламзорлаштириш, шунингдек, мевали ва манзарали дарахтлар ўтказиш ишларини бошлаб юборишди. Ҳозиргача юқори синф ўқувчилари синф раҳбарлари бошчилигида 12 минг туп турли хил дарахт ва гул кўчатлари экишди.

Navro'z xislatlari

ОЗОД ЭЛНИНГ АЛПОМИШЛАРИ

Тўртинчи кўриниш

Юртимиз Истиқлолга эришганига етти йил тўляпти. Етти йилдирки, халқимиз ўзининг азалий байрами — Наврўзни ўзгача шукуҳ билан нишонлайди. Бундан етти йил бурун — Истиқлолнинг илк паллаларида — Наврўз кунларида дунёга келган чақалоқ бугун етти ёшга тўлди, эсини танини. Фақатгина «эсини-танини» холосми?

Алпомишни эсланг! Камондан отган ўқи Асқартоғнинг тепасини юлиб кетганида Ҳакимбек ҳам етти ёшда эди. Шундан сўнг, у «алп» аталди. Демак, халқимиз мустақиллигининг илк Наврўзида туғилган чақалоқ «алп» ёшига етди, сонга қўшилди — элимизга Алпомишлар қайтиб келди. Қувончлиси, улар қалби, онгги, ақли, тасаввури озод юрт, обод Ватан меҳри билан тўлиқ ва ҳали улар ҳам улуғ аждодлари — Алпомиш каби шу элнинг чангалласа тоғни талқон қиладиган паҳлавон, мард эрлари бўлиб улғайишлари, шубҳасиз.

Момолар сафида қутлуғ айёмни нишонлаётган Мустақил замон фарзандлари — кокиллари толбаргакли жажжи Барчинойларни айтинг!

Кокиллари эшилгандир толтол,

Ҳар толига берса етмас дунё мол, —

дея жўшиб куйлашади бахшилар. Ҳали бу қизалоқлар улғайиб сулув келинчаклар булажак, оқила оналар бўлажак!

«Бу дамлардан ўзга дамни дам демай» қийқиришиб ўйнаётган, Наврўз шодиёнасига чулғанган бу жажжилар халқимизнинг муносиб фарзандлари бўлажаклар ҳали!

«Тинчлик ва осойишталик барқарор бўлган юртга байрам ярашади» дейдилар Президентимиз. Тинч ва осойишта, озод ва обод юртим! Сенга байрамлар ярашди, жажжи Алпомишу Ойбарчинлар кулгуси ярашди, Наврўз сенга қутлуғ келди! Мамлакатимиз энг чекка қишлоғининг энг чекка хонадони остонасидан пойтахтнинг Алишер Навоий номидаги Миллий боғига қадар бўлган улкан сарҳади қувончга тўлди. Гирдо-гирдда шодликка бойчечаклар очилди. Осмондан ризқ ёмғирлари ёғди. Қозонлар тўлиб қут-барака қайнади.

Уйғониш, яшариш, орзуумид, меҳр-мурувват байрами барча-барчага шодлик, завқ улашди. Халқимиз яна бир карра ўзининг миллий онгги, миллий ғурури ва туйғулари — ўзлиги билан юзмаюз келди. Бу учрашув халқ қалбидаги некбинликни, эртанги кунга ишончни мустаҳкамлади.

Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов Ўзбекистон халқини Наврўз билан қутлар экан, «Гўзал Ватанимиз ҳамиша омон бўлсин!», «Умримизнинг ҳар дақиқаси Наврўзга айлансин!» дея ният қилди, «Улуғ айём барчамизга муборак бўлсин!» дея тилак билдирди. Илоҳо, шундай бўлсин!

Икром ИСКАНДАР

МАЪМУН АКАДЕМИЯСИДАГИ ИЛК УЧРАШУВЛАР

Президентимизнинг «Хоразм Маъмун академиясини қайтадан ташкил этиш тўғрисида»ги Фармони фанимиз тарихида улкан янгилик бўлди. Шу кунларда Фармонни амалга ошириш учун Хоразмда қизғин фаолият бошлаб юборилган. Хивада академия биносини таъмирлаш ишлари ниҳоясига етмоқда. Академияда ишлайдиган одамлар учун янги уй-жой қурилиши бошланган. Шунингдек, вилоят ташаббуси билан академияда республикамизнинг машҳур олимлари, шоирлари, давлат ва жамоат арбоблари билан учрашувлар, маънавий мулоқотлар анъанага айланиб боряпти. Ана шундай илк учрашувлардан бири Ал-Хоразмий номидаги Урганч Давлат университетида бўлиб ўтди. Ўзбекистон халқ шоирлари Эркин Воҳидов, Омон Матжон ва камина бу учрашувга меҳмон бўлиб келдик. Учрашувни Хоразм вилоят ҳокими ўринбосари Тангриберди Дўстжонов очиб, Президент Фармонининг аҳамияти ва уни амалга ошириш жараёнида қилинаётган ишлар ҳақида сўзлади. Университет ректори, Олий Мажлис депутати Азимбой Саъдуллаев Маъмун академияси тарихи ва Фармондан сўнг бажарилаётган муҳим ишлар тўғрисида маъруза қилди. Республика Давлат матбуот қўмитаси раиси ўринбосари, таниқли шоир Омон Матжон бундай ижодий учрашувлар академия олимлари учун катта аҳамиятга эгалигини таъкидлаб, жумладан шундай деди:

— Хоразм азалдан илм-фан макони бўлган. Маъмун академияси ўз даврида Марказий Осиё фани ривожига катта таъсир кўрсатган. Мустақиллик даврида академиянинг қайта тикланиши улуғ иш бўлди. Дастлабки учрашувдан кўриниб турибдики, ҳали академия ўзбек фанига янги-янги берунийлар, ибн синолар, хоразмийларни етказиб беради. Бу учун илк қадамларни дадил қўйиш ва мустаҳкамлаш зарур. Энди ҳақиқий юртпарвар олимлар учун фидойилик кўрсатиб ишлаш даври келди. Бундай учрашувларга мамлакатимиз олимлари билан бирга, дунё олимларини ҳам таклиф этиб туриш лозим. Шунда унинг нуфузи ошади, таъсир олами кенгаяди.

Республика Олий Мажлиси Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитаси раиси Эркин Воҳидов ўз сўзида академия нафақат Хоразм, балки Ўзбекистон фани ривожига беқиёс ҳисса қўшажагига катта умид билдирди.

— Янги юртни тиклаяпмиз, янги тарихни ёзаяпмиз, — дея давом этди Эркин ака. — Маъмун академиясининг қайта тикланиши шу йўлдаги дадил қадамлардан бири. Юртбошимиз Хоразмни бежиз ўзбек давлатчилигига асос солган замин, деб таърифламади. Аслида ҳам шундай. Хоразмни Ўзбекистоннинг қалқони десам, янглишмайман. Мен «Чингизу Боту тиғига кўкси қалқон ўзбегим», деганда Хоразмни назарда тутганман. Ҳар гал Навоийдан бир байт ўқисам, албатта Огаҳийдан ҳам бир байт ўқийман. Келажакда академия фанимизни дунёга олиб чиқишда, халқимиз тафаккурини, маънавиятини юксалтиришда улкан ҳисса қўшишига ишонаман. Илм барқ уриб яшнаган, юксалган юртнинг истиқболи албатта ёруғ бўлади.

Олимлар билан бўлган қизғин савол-

(Давоми 3-бетда)

Olimpiada — 98

ЭРТАГА БЕЛЛАШУВ БОШЛАНАДИ

Ҳамал ойи бошланиши биланоқ: «Бу йилги беллашувда ҳам мўъжизалар бўладими? Жойларда ўтган йилги олимпиада якунлари чуқур таҳлил қилиниб, тегишли хулосалар чиқарилдими?» деган савол хаёлимизда қайта-қайта жонланаверди. 1998 йил январ ойида белгиланган фанлардан ўтказилган III босқич олимпиадалари натижалари таҳлил қилинганда, бу каби саволларга қисман жавоб топилгандай бўлди. Афсусланарлиси шундаки, қатор вилоят вакиллари айрим фанлардан етарли балл (70—100) тўпламаганлари боис, олимпиаданинг якунловчи босқичида иштирок этмасликлари маълум бўлди. Масалан, Навоий вилояти командасида беш ўрин (она тили ва адабиёти, немис, француз тиллари, тарих, ҳуқуқшунослик фанлари), Сирдарё вилояти командасида икки ўрин (рус гуруҳларида рус тили ва адабиёти ҳамда француз тили), Хоразм вилояти командасида ҳам икки ўрин (махсус мактаб-интернатларда она тили ва адабиёти ҳамда математика фанлари) бўш қолди. Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент ва Қашқадарё вилоятлари командалари эса биттадан ўрин йўқотиши.

Хўш, бу вилоятлар командалари IV босқичга тайёргарлиги қай даражада? Балки мактаб, туман, ва ниҳоят вилоят босқичида уларга берилган ёзма ишлар, масалалар, лаборатория ва амалий машғулотлар, шунингдек, тест синови топшириқлари ўта мураккаб бўлгандир ёинки ушбу командалар ҳал қилувчи «пойга»да ўзларини бошқа фанлардан кўрсатишмоқчими?..

Шуниси аниқки, беллашувда Наманган вилояти ўқувчилари бу йил ҳам бўш келишмоқчи эмаслар. Улар яна бир бор ўтган йилдагидек 1-ўринга даъвогарлик қилиш ниятидалар. Буни биз куни кеча олимпиада иштирокчиларини кутиб олиш пайтидаёқ ҳис қилиб турдик.

— Иқтидорли ўқувчилар муаллимнинг фахри ва келажаги, — деди Наманган вилояти Янгиқўрғон туманидаги 10-мактаб ўқитувчиси Маъсудахон Ваҳобова. — Шу боис биз уларнинг ҳар бири билан машғулотлардан бўш пайтларда якка тартибда ҳам ишлаймиз.

Назаримизда, таълим-тарбияга фидойилик фақат ўқитувчида бўлиши камлик қилар экан. Шу сабабданми, олимпиадада фарзандларни маънан қўллаш учун Наманган вилоятидан бир гуруҳ ота-оналар, ижодкор ўқитувчилар, ҳомий ташкилотлар вакиллари ҳам Тошкентга етиб келишган.

Кучи кеча вилоят ғолиблари 1-педагогика билим юртида ЭҲМда машғулотларда бўлдилар. Шунингдек, Амир Темур ҳамда Ўзбекистон тарихи музейларини томоша қилдилар. Бугун вилоят ғолиблари енгил саноат ва тўқимачилик институти жамоаси, УзФА «Кибернетика» илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси ва Шарқшунослик институти олимлари билан учрашадилар, бу жамоалар ҳаёти билан танишадилар.

Эртага эса олимпиаданинг якунловчи босқич мусобақалари бошланиб кетади. Унда вилоят олимпиадалари натижалари бўйича ғолиб деб топилган 245 нафар (шулардан 3 нафари қорақалпоқ тили ва адабиёти фани бўйича 1, 2, 3 совринли ўрин соҳиби ҳисобланиб, Низомга асосан имтиёзли гувоҳнома оладилар) ўғил-қизлар ўзаро беллашадилар. Умуман, 26—27 март кунлари иқтидорлилар баҳси ҳаяжонли ва ниҳоят қизғин ўтиши кутилаётир. Муҳими, омад — билимдонларга, сараларнинг сараси-га кулиб боқади.

Қурбонбой МАТҚУРБОНОВ

• «1998—2000 йиллардаги даврда қишлоқ хўжалигидаги иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш дастури тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони чиқди.

• Тошкентда бўлиб ўтган Ўзбекистон Давлат солиқ қўмитаси ҳайъатининг навбатдаги йиғилишида Ўзбекистон Республикаси Президентининг шу йил 25 февралда бўлиб ўтган Вазирлар Маҳкамаси йиғилишида сўзлаган нутқидан келиб чиқадиган вазифалар муҳокама қилинди.

• Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 1998 йил 24 мартдан бошлаб ҳисоб ва божхона тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қийматини белгилади (1 АҚШ доллари 84 сўм 25 тийинга тўғри келди).

JUMLADA JAHON

• Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг қуролсизлантириш бўйича махсус гуруҳи раҳбари Ричард Батлернинг Ироқ пойтахти Боғдодга ташрифи бу мамлакат ҳарбий объектларида олиб борилаётган текшириш жараёнининг янги босқичи бошланганлигидан дарак бўлади, дейилмоқда.

• Америка Қўшма Штатлари ҳукумат бошлиқлари сўнгги 20 йил ичида ташриф буюрмаган Африка мамлакатига АҚШнинг ҳозирги Президенти Билл Клинтон ўз сафарини бошлади.

• Ҳали дунё ҳамжамияти томонидан тан олинмаган Сербия таркибидаги вилоят — Косово Республикасида президент ва парламент сайловлари бўлиб ўтди.

«АКС САДО»НИ ТОМОША ҚИЛАЯПСИЗМИ?

Ўзбекистон телевидениесида таниқли журналист ва сиёсатшунос Қуддус Аъзам муаллифлигида «Акс садо» кўрсатуви менда катта таассурот қолдирди. Кўрсатув қатнашчилари юқори синф ўқувчилари бўлиб, улар Президентимизнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» китобини бобма-боб таҳлил қилишмоқда. Болаларнинг тайёргарлигидан сездимки, улар китобни жуда яхши ўқишган, яъни уқиб ўқишган. Яна бир жиҳати, улар уққан фикрларни мустақил баён қилишди. Шу билан бирга улар ҳаётдаги воқеа-ҳодисаларга ўз муносабатларини билдиришди. Бунда муаллим ўз ўқувчиларини бугунги талаб билан тарбиялаётгани, яъни ўқувчини фикрлашга ўргатаётгани маълум бўлди. Дейлик, Тошкент шаҳар Юнусобод туманидаги 173-мактаб ўқувчилари юқорида номи тилга олинган китобнинг бир боби бўйича баҳс ўтказишган бўлса, Республика Нафис санъат лицейи ўқувчилари маънавият масаласида фикр юритишди. Ўқувчиларнинг ўзларини эркин тутишга, фикрларини лўнда баён қилишга ҳаракат қилишлари, менга маъқул бўлди. Айниқса, уларнинг ҳаётни кузатиб, ижобий ўзгаришлар, улар қаторида иллатларни кўриб, фикрлаб, чиқарган хулосаларини эшитиб, келгуси авлодимиз янгича жамият қуришларига ишонч ҳосил қилдим.

Энг асосийси, ўзим ўқитувчиман. Мен ҳам дарсларимни ана шу тартибда ўтказишга ҳаракат қила бошладим. Тўғриси, болалар бироз тортинаяпти, аниқроғи, мустақил фикрлашга қийналяпти. Бироқ ҳаракат бор. Бошқа ҳамкасбларимни ҳам Ўзбекистон телевидениесининг биринчи дастури орқали сешанба куни кечки пайт берилаётган «Акс садо» кўрсатувини томоша қилишга чақираман, кўрсатув муаллифларига эса баҳс-мунозарадаги табиийлик, эркинликни сақлаб қолишларини тилайман.

Т. ЎРАЛОВА
Навоий вилояти

Ayyom kundaligi

БИЛИМ ДАРГОҲИ ШОДИЁНАСИ

1-Тошкент педагогика билим юртининг муҳташам биноси эрта тонгдан байрам либосини кийган.

Наврўз шодиёнаси билим юрти II ва III босқич талабаларининг миллий дастурхон кўриги билан бошланди. Бу кўрик қизларнинг пазандалигию ораста, саранжом-саришталикларини намойиш этибгина қолмай, уларнинг лутфи ва дастурхоннинг миллийлиги билан эътиборли бўлди. Билим юрти жамоаси ва талабаларни Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазири муовини М.Султонов табриклади.

— Бу байрам, Президентимиз таъкидлаганидек, бир кунлик эмас, — деди билим юрти директори М.Исмоилова, — балки бир неча кун давомида нишонланадиган байрамдир. Бу айём билим юртимизда ҳам бир неча кун мобайнида давом этиб, даргоҳимизда бир қанча тадбирлар ўтказилади.

Шундан сўнг карнай-сурнай садолари янгради ва бу байрамга ўзгача файз киритди. Наврўзойнинг ташрифи, дилрабо қўшиғу жозибали рақслар, Наврўзни мадҳ этувчи шеърларни томоша қилиш барчага завқу шавқ бағишлади.

Хурсаной УМУРЗОҚОВА

Tadbir

БАЙРАМ ТААССУРОТИ

Барча илм масканларида бўлгани каби Республика Нафис санъат лицейида ҳам Наврўз байрами муносабати билан катта тадбир ўтказилди. Унда ўқувчилар, ўқитувчилар, ота-оналар, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазири Жўра Йўлдошев, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг раиси Абдулла Орипов, Марказий Осиё беғараз ўқув бўлими бошлиғи Роберт Хатсон, АКСЕЛС ташкилоти вакили Фотима Кент ҳамда Ҳамза номидаги Ўзбек Давлат Академик театри актёрлари иштирок этишди.

Ўғил-қизлар саҳнада буюк аждодларнинг тарихда босиб ўтган йўлини кўрсатадиган чиқишлар қилишди. Машҳур боболаримизнинг Наврўз ҳақидаги фикрларини келтиришди. Шундан кейин савол-жавоб тарзидаги мулоқотлар давом этди...

Ўзбекистон халқ таълими вазири Жўра Йўлдошев барча-барчани улуғ байрам билан қутлади.

Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Орипов йиғилганларга янги шеърларидан ўқиб берди. Қисқаси, бу тадбир руҳи ўғил-қизлар қалбида узоқ сақланиб қолиши шубҳасиздир.

С. АБДУЛЛАЕВА

Munosabat

БИЛМАЙИН БОСМАНГ ТИКАННИ...

Собиқ Шўролар иттифоқи тарқалиб, Ўзбекистонимиз мустақилликка эришгач, миллий қадриятларимиз қайта тиклана бошлади. Бир пайтлар тақиққа учраган динимиз, маданият ва маънавиятимизга алоқадор барча қадимий битиклар, табаррук китоблар элимизга қайтарилди. Мамлакатимизнинг турли миллат вакиллари бу жараённи тўғри англаб, қўлни-қўлга бериб Ватанимиз мустақиллигини янада мустаҳкамлаш учун тер тўкиб меҳнат қилишмоқда. Бироқ айни чоғда орамизда динимизни чуқур тушунмаслик оқибатида дин ниқобига яшириниб фаолият кўрсатаётган айрим жаҳолат йўлини тутган гуруҳ таъсирига тушиб қолганлар ҳам учраб турибди.

Яқинда телевидение орқали намойиш этилган ваҳобийлар таъсиридаги айрим кимсаларнинг кирдикорлари ҳақидаги кўрсатувни кўриб ҳайратга тушдим.

(Давоми 3-бетда)

«АХБОРОТНОМА»НИНГ НЕЧА СОНИ ЧИҚҚАН?

Ҳурматли таҳририят! Бу йил олий ўқув юртига кириш ниятидаман. Бироқ бир масалада аниқлик киритиб берсангизлар. «Ахборотнома»нинг 1996 ва 1997 йилларда неча сони чоп этилган. Ҳамма ҳар хил гапиряпти. Уларнинг ҳар бирини топиб, тайёргарлик кўришни истайман.

Т. ЎЛМАСОВ,
11-синф ўқувчиси

ТАҲРИРИЯТДАН: Бу каби саволлар жуда кўп беріляпти. Шу боис Давлат Тест маркази кўмагида ҳар бир «Ахборотнома» сонининг суратини (ишончли бўлсин дея) беряпмиз. Чунки, минг бор эшитгандан бир бора кўрган афзал. Демак, 1996 йилда 15 сони, 1997 йилда 12 сони, мазкур йилда ҳозирча 5 сони тарқатилди.

2-БЕТГА ҚАРАНГ →

МММ XABARLARI

УЧРАШУВ

Яқинда Чортоқдаги вилоят иқтидорли болалар лицейида ТошДУ математика кафедраси мудири, физика-математика фанлари доктори, профессор А. Ортиқбоев билан учрашув бўлиб ўтди. У киши 7, 8, 9-синфлар ўқув дарсликларининг муаллифи сифатида ўқувчиларни қизиқтирган саволларга жавоб бердилар.

Учрашув охирида ўқув-қўлланмалар муаллифи иқтидорлилар фикрлашлари, уларнинг баҳс-мунозараларидан миннатдорлиги ҳамда марказга-илмий ишларга қатнашишга таклиф этажагини билдирди.

М.ТЎХТАНАЗАРОВА

YURTIMIZDA BAHOR

Navro'z yangi kun, bahoriy uyg'onish, yangilanish demakdir. Ana shunday bayramlarimizdan biri Yunusobod tumanidagi Zokir Ma'rufov nomidagi 83-o'rta maktabda bo'lib o'tgan tadbirdir.

Unda 11 «A» sinfning — Navro'z va 11 «B» sinfning — «Binafsha» komandalari sinf rahbarlari Maqsuda Mahsumho'jaeya, Mevagul Boyimbetovalar rahbarligida musobaqa o'tkazishdi.

Gulnoza NISHONBOEVA

ЭЗГУ ИШ

Қизилтепа шаҳрида жойлашган гуманитар фанлар лицейида жамоатчилик асосида кутубхона ташкил этилди. Бухоро Давлат университети профессори Т.Қораев ўз ижодига мансуб ўнлаб китобларни, шунингдек, журналистлардан У.Сатторов, Б.Мансуров, К.Бозорова, шифокор Р.Ҳакимий, ҳисобчи О.Нурова ва бошқа кўплаб ота-оналар ҳам ўз шахсий кутубхоналаридаги қизиқарли адабиётларни ушбу нурхонага ҳадя этдилар.

Баҳодир ЭГАМОВ

1996 йил ← 1997 йил →

КЎЗГУ

Davlat Test markazi

ЁХУД 1997 ЙИЛ ТЕСТ СИНОВЛАРИНИНГ НАТИЖАЛАРИ

Тестлар таълим тизимига жадал кириб бормоқда, чунки улар абитуриент ва талабалар билимини аниқлаш ва баҳолашда адолат мезони эканлигига жамиятимизда ишонч мустаҳкамланмоқда, уларга нисбатан жамоатчилик орасида ижобий муносабат кучаймоқда. Тестларнинг асосий мақсади абитуриентларнинг билимларини холисона ва адолатли баҳолашдир. Шу мақсадда кўп вариантли тест тизими яратилди, тестлар жамғармаси миқдори кўпайтириб борилмоқда. Тестларнинг «Ахборотнома» ва «Вестник» журналларида чоп этилиши, ўқитувчи ва мутахассисларнинг тестларга оид фикр ва мулоҳазаларини ўрганиш, тестларнинг амалиётда синаб кўрилиши, кўп вариантли тест тизимининг яратилиши, тест технологиясининг тартиб қилиниши ва бошқалар Давлат тест марказининг ўтказаётган хайрли ишларидир.

Тестлар натижаларини батафсил таҳлил этиш асосида маориф тизимини такомиллаштириш, бевосита мактабдаги таълим жараёнининг ривожланиш даражасини ва тамойилларини аниқлаш имконияти яратилди.

Фанлар бўйича республика вилоятларидаги тест натижаларини таққослаш ўқувчилар билимининг сифат кўрсаткичларини ифодалайди.

Абитуриентлар сонининг йилдан-йилга ортиши талабаликка юқори балли абитуриентларни танлаб олиш имконини яратди. 1995 йилда — 162879, 1996 йилда — 198855, 1997 йилда — 221744 нафар абитуриент республика ўқув юртларига кириш учун ҳужжат топширган. Уларнинг тайёргарлиги қандай бўлган? Қайси фан соҳалари яхши ўзлаштирилган?

1997 йилда олий ўқув юртларига кириш учун тестларда қатнашган абитуриентларнинг жавоблар самарадорлиги бўйича вилоятлар орасида Бухоро вилояти энг юқори кўрсаткичга эришган. Вилоятда 8 та ўқув фани бўйича (узбек тили ва адабиёти, тарих, биология, кимё, чет тиллари) юқори кўрсаткич қайд этилган. Тошкент шаҳрида 6 та, Хоразм вилоятида 5та ўқув фани бўйича жавоблар самарадорлиги юқори бўлган. Агар маълум вилоятда имтиҳонга киритилган ўқув фанларининг 50 фоизи бўйича самарадорлик юқори бўлса, таълим ишларига эътибор берилаётганлигидан далолат беради. Мазкур вилоятларда қолган фанлар бўйича ҳам жавоблар самарадорлиги ўртача республика кўрсаткичидан кам эмаслигини ҳам таъкидлаш керак.

Жавоблар самарадорлиги Сирдарё, Сурхондарё вилоятларида паст бўлган. Сирдарё вилоятида 8 та, Сурхондарёда 5 та ўқув фани бўйича энг паст кўрсаткичлар кузатилган.

Республика бўйича жавоблар самарадорлиги биология, тарих, география, узбек тили ва адабиётидан юқори бўлиб, 43,46 — 53,53% ни ташкил этган. Паст кўрсаткич физика, немис ва француз тиллари бўйича ўтказилган тест синовларида қайд этилган. Жавоблар самарадорлиги физикадан 29,24 % ни, немис тилидан 28,01% ни, француз тилидан 31,12% ни ташкил этган.

Бундай аҳволнинг юзага келишига дарслик, қўлланмаларнинг манжудлиги ва сифати, ўқитувчиларнинг тайёргарлик даражаси ва бошқалар сабаб бўлиши мумкин.

1997 йилда ўтказилган тест натижаларининг таҳлили мактабларнинг ўқув-таълим даражасини, ўқувметодик адабиётларнинг манжудлиги ва сифатини, ўқувчилар билимининг таълим стандартларига мос келишини баҳолашга имконият берали.

Таҳлилий материалар таълим аҳволини акс эттириши билан бирга, унинг ривожланиш тамойиллари ва истиқболларини ҳам белгилаб беради.

Мазкур масалалар ҳар бир вилоятда атрофлича таҳлил этилиши ва ташкилий чора-тадбирлар қўрилиши мақсадга мувофиқдир.

Газетанинг мазкур сонида республика ўқув юртларига кириш учун тестларда қатнашган барча абитуриентларнинг фанлар бўйича жавоблар самарадорлиги жадвал кўринишида тақдим этилмоқда.

Республика вилоятлари бўйича жавоблар самарадорлиги
Математика, ўзбекча

Код	Вилоятлар	Жамланган кўрсаткичлар			Олий ўқув юртлари (кундузги бўлим)			Олий ўқув юртлари (сиртқи бўлим)			Ўрта махсус ўқув юртлари		
		Тўғри жавоблар сони	Абитуриентлар сони	Самарадорлик	Тўғри жавоблар сони	Абитуриентлар сони	Самарадорлик	Тўғри жавоблар сони	Абитуриентлар сони	Самарадорлик	Тўғри жавоблар сони	Абитуриентлар сони	Самарадорлик
1	Қорақалпоғистон Республикаси	34859	2868	33.76	16492	1171	39.12	3665	248	41.05	14702	1449	28.18
2	Андижон вилояти	102900	8452	33.82	44313	2931	42.00	14976	1103	37.72	43611	4418	27.42
3	Наманган вилояти	100900	8327	33.66	51957	3529	40.90	16327	1283	35.35	32616	3515	25.78
4	Фарғона вилояти	94132	8319	31.43	38781	2672	40.32	11181	984	31.51	44190	4663	26.32
5	Бухоро вилояти	75325	5868	35.66	33208	1975	46.71	10284	763	37.44	31833	3130	28.25
6	Хоразм вилояти	54604	4370	34.71	28824	1666	48.06	3208	207	43.05	22572	2497	25.11
7	Сурхондарё вилояти	82737	7675	28.94	40145	3123	35.71	9426	769	34.05	33166	3783	24.35
8	Қашқадарё вилояти	150198	11403	36.59	74116	4928	41.78	23140	1616	39.78	52942	4859	30.27
9	Жиззах вилояти	41300	3537	32.43	22194	1692	36.44	6969	574	33.73	12137	1271	26.53
10	Навоий вилояти	42092	3595	32.52	21438	1586	37.55	2805	243	32.06	17849	1766	28.08
11	Самарқанд вилояти	120046	8503	39.22	45214	2940	42.72	14007	872	44.62	60825	4691	36.02
12	Сирдарё вилояти	22068	2153	28.47	9371	764	34.07	3542	318	30.94	9155	1071	23.74
13	Тошкент вилояти	62476	6800	33.69	35431	2422	40.64	9794	706	38.53	37251	3672	28.18
14	Тошкент шаҳри	96755	6211	43.27	58583	3420	47.58	26563	1731	42.63	11609	1060	30.42
	Жами		**88081**	**34.23**		**34819**	**40.97**		**11417**	**37.32**		**41845**	**27.76**

Республика вилоятлари бўйича жавоблар самарадорлиги
Физика, ўзбекча

Код	Вилоятлар	Жамланган кўрсаткичлар			Олий ўқув юртлари (кундузги бўлим)			Олий ўқув юртлари (сиртқи бўлим)			Ўрта махсус ўқув юртлари		
		Тўғри жавоблар сони	Абитуриентлар сони	Самарадорлик	Тўғри жавоблар сони	Абитуриентлар сони	Самарадорлик	Тўғри жавоблар сони	Абитуриентлар сони	Самарадорлик	Тўғри жавоблар сони	Абитуриентлар сони	Самарадорлик
1	Қорақалпоғистон Республикаси	5644	575	27.27	5049	516	27.18	595	59	28.01	-	-	-
2	Андижон вилояти	17658	1531	32.04	13402	1190	31.28	4256	341	34.67	-	-	-
3	Наманган вилояти	18879	1819	28.83	15447	1475	29.09	3432	344	27.71	-	-	-
4	Фарғона вилояти	12678	1290	27.30	10067	974	28.71	2611	316	22.95	-	-	-
5	Бухоро вилояти	14599	1320	30.72	12397	1077	31.97	2202	243	25.17	-	-	-
6	Хоразм вилояти	9047	720	34.90	8473	670	35.13	574	50	31.89	-	-	-
7	Сурхондарё вилояти	15213	1667	25.35	12689	1390	25.36	2524	277	25.31	-	-	-
8	Қашқадарё вилояти	33417	3156	29.41	26705	2531	29.31	6712	625	29.83	-	-	-
9	Жиззах вилояти	10233	1097	25.91	8278	884	26.01	1955	213	25.50	-	-	-
10	Навоий вилояти	9953	999	27.67	9415	943	27.73	538	56	26.69	-	-	-
11	Самарқанд вилояти	14998	1342	31.04	12397	1111	31.00	2601	231	31.28	-	-	-
12	Сирдарё вилояти	4109	450	25.36	2939	321	25.43	1170	129	25.19	-	-	-
13	Тошкент вилояти	15922	1488	29.76	13260	1237	29.78	2662	249	29.70	-	-	-
14	Тошкент шаҳри	23202	2044	31.53	15411	1364	31.38	7791	680	31.83	-	-	-
	Жами		**19496**	**29.08**		**15683**	**29.24**		**3813**	**28.27**		**0**	**0.00**

Республика вилоятлари бўйича жавоблар самарадорлиги
Она тили, ўзбекча

Код	Вилоятлар	Жамланган кўрсаткичлар			Олий ўқув юртлари (кундузги бўлим)			Олий ўқув юртлари (сиртқи бўлим)			Ўрта махсус ўқув юртлари		
		Тўғри жавоблар сони	Абитуриентлар сони	Самарадорлик	Тўғри жавоблар сони	Абитуриентлар сони	Самарадорлик	Тўғри жавоблар сони	Абитуриентлар сони	Самарадорлик	Тўғри жавоблар сони	Абитуриентлар сони	Самарадорлик
1	Қорақалпоғистон Республикаси	91395	6470	39.24	40652	2912	38.78	6638	428	43.08	44105	3130	39.14
2	Андижон вилояти	243851	15777	42.93	94818	6117	43.06	28863	1750	45.81	120170	7910	42.20
3	Наманган вилояти	255940	16061	44.27	109227	6745	44.98	27248	1766	42.86	119465	7550	43.95
4	Фарғона вилояти	290897	17721	45.60	123184	7156	47.82	20393	1429	39.64	147320	9136	44.79
5	Бухоро вилояти	201876	12007	46.70	88425	4982	49.30	17541	1128	43.20	95910	5897	45.18
6	Хоразм вилояти	149804	9702	42.89	65604	3856	47.26	8373	511	45.52	75827	5335	39.48
7	Сурхондарё вилояти	184449	13560	37.78	77894	5635	38.40	16355	1181	38.47	90200	6744	37.15
8	Қашқадарё вилояти	386618	23674	45.36	157018	9903	44.04	36382	2313	43.69	193218	11458	46.84
9	Жиззах вилояти	106626	7153	41.41	48705	3248	41.65	10743	722	41.33	47178	3183	41.17
10	Навоий вилояти	112711	7341	42.65	51049	3357	42.24	5723	377	42.17	55939	3607	43.08
11	Самарқанд вилояти	341520	19963	47.52	148799	8709	47.46	21877	1385	43.88	170844	9869	48.09
12	Сирдарё вилояти	63992	4750	37.42	25471	1834	38.58	6319	445	39.44	32202	2471	36.20
13	Тошкент вилояти	193551	13301	40.42	74885	5132	40.53	17225	1144	41.82	101441	7025	40.11
14	Тошкент шаҳри	192837	12150	44.09	106599	6680	44.33	39440	2575	42.55	46798	2895	44.90
	Жами		**179630**	**42.73**		**76266**	**43.46**		**17154**	**42.39**		**86210**	**42.31**

Республика вилоятлари бўйича жавоблар самарадорлиги
География, ўзбекча

Код	Вилоятлар	Жамланган кўрсаткичлар			Олий ўқув юртлари (кундузги бўлим)			Олий ўқув юртлари (сиртқи бўлим)			Ўрта махсус ўқув юртлари		
		Тўғри жавоблар сони	Абитуриентлар сони	Самарадорлик	Тўғри жавоблар сони	Абитуриентлар сони	Самарадорлик	Тўғри жавоблар сони	Абитуриентлар сони	Самарадорлик	Тўғри жавоблар сони	Абитуриентлар сони	Самарадорлик
1	Қорақалпоғистон Республикаси	883	55	44.60	883	55	44.60	-	-	-	-	-	-
2	Андижон вилояти	1900	124	42.56	1551	103	41.83	349	21	46.16	-	-	-
3	Наманган вилояти	2725	165	45.88	2638	159	46.09	87	6	40.28	-	-	-
4	Фарғона вилояти	3802	246	42.93	2899	182	44.25	903	64	39.19	-	-	-
5	Бухоро вилояти	1369	84	45.27	1369	84	45.27	-	-	-	-	-	-
6	Хоразм вилояти	1308	84	43.25	1308	84	43.25	-	-	-	-	-	-
7	Сурхондарё вилояти	1472	97	42.15	1472	97	42.15	-	-	-	-	-	-
8	Қашқадарё вилояти	2229	149	41.55	1924	131	40.80	305	18	47.07	-	-	-
9	Жиззах вилояти	1312	92	39.61	1312	92	39.61	-	-	-	-	-	-
10	Навоий вилояти	358	21	47.35	358	21	47.35	-	-	-	-	-	-
11	Самарқанд вилояти	3190	201	44.09	3052	194	43.70	138	7	54.76	-	-	-
12	Сирдарё вилояти	156	10	43.33	156	10	43.33	-	-	-	-	-	-
13	Тошкент вилояти	2132	141	42.00	1590	104	42.47	542	37	40.69	-	-	-
14	Тошкент шаҳри	1337	85	43.69	666	41	45.12	671	44	42.36	-	-	-
	Жами		**1554**	**43.45**		**1357**	**43.56**		**197**	**44.36**		**0**	**0.00**

Республика вилоятлари бўйича жавоблар самарадорлиги
Тарих, ўзбекча

Код	Вилоятлар	Жамланган кўрсаткичлар			Олий ўқув юртлари (кундузги бўлим)			Олий ўқув юртлари (сиртқи бўлим)			Ўрта махсус ўқув юртлари		
		Тўғри жавоблар сони	Абитуриентлар сони	Самарадорлик	Тўғри жавоблар сони	Абитуриентлар сони	Самарадорлик	Тўғри жавоблар сони	Абитуриентлар сони	Самарадорлик	Тўғри жавоблар сони	Абитуриентлар сони	Самарадорлик
1	Қорақалпоғистон Республикаси	25640	1626	43.80	17197	1084	44.07	2705	154	48.79	5738	388	41.08
2	Андижон вилояти	53720	3105	48.06	35090	1991	48.96	9639	534	50.14	8991	580	43.06
3	Наманган вилояти	55296	3126	49.14	42199	2300	50.96	10391	662	43.60	2706	164	45.83
4	Фарғона вилояти	70804	3598	54.66	59594	3010	55.00	7234	362	55.51	3976	226	48.87
5	Бухоро вилояти	42898	2202	54.11	32032	1601	55.58	6342	343	51.38	4524	258	48.71
6	Хоразм вилояти	27251	1588	47.67	22121	1283	47.89	2446	146	46.54	2684	159	46.89
7	Сурхондарё вилояти	44221	2707	45.38	28219	1701	46.08	6186	394	43.61	9816	612	44.55
8	Қашқадарё вилояти	82992	4480	51.46	53732	2866	51.72	11504	637	50.17	17756	957	51.54
9	Жиззах вилояти	29495	1634	50.14	21173	1129	52.09	3603	205	48.82	4719	300	43.69
10	Навоий вилояти	25982	1482	48.70	20926	1191	48.81	2219	132	46.70	2837	159	49.56
11	Самарқанд вилояти	87277	4486	54.04	70702	3562	55.14	3776	185	56.70	12799	739	48.11
12	Сирдарё вилояти	16893	1015	46.23	11472	691	46.12	2507	160	43.52	2914	164	49.36
13	Тошкент вилояти	50487	2952	47.51	28734	1684	47.40	6376	390	45.41	15377	878	48.65
14	Тошкент шаҳри	74449	4076	50.74	45598	2428	52.17	14579	790	51.26	14272	858	46.21
	Жами		**38077**	**49.40**		**26541**	**50.14**		**5094**	**48.72**		**6442**	**46.87**

Республика вилоятлари бўйича жавоблар самарадорлиги
Инглиз тили, ўзбекча

Код	Вилоятлар	Жамланган кўрсаткичлар			Олий ўқув юртлари (кундузги бўлим)			Олий ўқув юртлари (сиртқи бўлим)			Ўрта махсус ўқув юртлари		
		Тўғри жавоблар сони	Абитуриентлар сони	Самарадорлик	Тўғри жавоблар сони	Абитуриентлар сони	Самарадорлик	Тўғри жавоблар сони	Абитуриентлар сони	Самарадорлик	Тўғри жавоблар сони	Абитуриентлар сони	Самарадорлик
1	Қорақалпоғистон Республикаси	12466	949	36.55	10631	783	37.71	1855	166	31.04	-	-	-
2	Андижон вилояти	37144	2680	38.50	29533	2011	40.79	7611	669	31.60	-	-	-
3	Наманган вилояти	37283	2658	38.96	30129	2047	40.89	7154	611	32.52	-	-	-
4	Фарғона вилояти	41748	2965	39.11	35640	2424	40.84	6108	541	31.36	-	-	-
5	Бухоро вилояти	23705	1475	44.64	18889	1093	48.00	4816	382	35.02	-	-	-
6	Хоразм вилояти	16663	1023	45.25	15264	918	46.19	1399	105	37.01	-	-	-
7	Сурхондарё вилояти	24696	2155	31.83	20628	1749	32.76	4068	406	27.83	-	-	-
8	Қашқадарё вилояти	40256	3009	37.16	32619	2339	38.74	7637	670	31.66	-	-	-
9	Жиззах вилояти	12846	950	37.56	10418	749	38.64	2428	201	33.55	-	-	-
10	Навоий вилояти	7400	590	34.84	6523	515	35.18	877	75	32.48	-	-	-
11	Самарқанд вилояти	40422	2629	42.71	34666	2215	43.47	5756	414	38.62	-	-	-
12	Сирдарё вилояти	10832	893	33.69	8898	710	34.81	1934	183	29.36	-	-	-
13	Тошкент вилояти	28409	1935	40.78	23233	1541	41.88	5176	394	36.49	-	-	-
14	Тошкент шаҳри	77264	4390	48.89	60190	3226	51.83	17074	1164	40.75	-	-	-
	Жами		**28301**	**39.32**		**22320**	**40.84**		**5981**	**33.52**		**0**	**0.00**

Республика вилоятлари бўйича жавоблар самарадорлиги
Биология, ўзбекча

Код	Вилоятлар	Жамланган кўрсаткичлар			Олий ўқув юртлари (кундузги бўлим)			Олий ўқув юртлари (сиртқи бўлим)			Ўрта махсус ўқув юртлари		
		Тўғри жавоблар сони	Абитуриентлар сони	Самарадорлик	Тўғри жавоблар сони	Абитуриентлар сони	Самарадорлик	Тўғри жавоблар сони	Абитуриентлар сони	Самарадорлик	Тўғри жавоблар сони	Абитуриентлар сони	Самарадорлик
1	Қорақалпоғистон Республикаси	33838	2046	45.94	13550	769	48.95	722	43	46.64	19566	1234	44.04
2	Андижон вилояти	78842	4412	49.64	26918	1458	51.28	4214	232	50.45	47710	2722	48.69
3	Наманган вилояти	95174	5072	52.12	28731	1299	57.16	969	50	53.83	67474	3723	50.34
4	Фарғона вилояти	108547	5872	51.35	35386	1866	52.68	1156	64	38.23	72005	3922	51.00
5	Бухоро вилояти	86195	4209	56.89	37735	1687	62.13	1806	111	45.20	46654	2411	53.75
6	Хоразм вилояти	71559	3931	50.57	23775	1102	59.93	4428	257	47.86	43356	2572	46.82
7	Сурхондарё вилояти	49540	3441	39.99	18879	1114	47.08	1983	137	40.21	28678	2190	36.37
8	Қашқадарё вилояти	159024	7882	53.93	49054	2443	55.78	3659	234	43.44	100311	5205	53.53
9	Жиззах вилояти	36938	2190	46.85	10504	577	50.57	538	33	45.29	25896	1580	45.53
10	Навоий вилояти	44106	2427	50.48	14680	770	52.96	510	31	45.70	28916	1626	49.40
11	Самарқанд вилояти	143120	7157	55.55	51268	2483	57.35	5840	345	47.02	86012	4329	55.19
12	Сирдарё вилояти	24786	1681	40.96	7587	459	45.92	288	16	50.00	16911	1206	38.95
13	Тошкент вилояти	58419	3563	45.54	21848	1223	49.62	2227	159	38.91	34344	2181	43.74
14	Тошкент шаҳри	41298	2117	54.19	21469	1028	58.01	3198	190	46.75	16631	899	51.39
	Жами		**56000**	**49.57**		**18278**	**53.53**		**1922**	**45.68**		**35800**	**47.77**

Республика вилоятлари бўйича жавоблар самарадорлиги
Немис тили, ўзбекча

Код	Вилоятлар	Жамланган кўрсаткичлар			Олий ўқув юртлари (кундузги бўлим)			Олий ўқув юртлари (сиртқи бўлим)			Ўрта махсус ўқув юртлари		
		Тўғри жавоблар сони	Абитуриентлар сони	Самарадорлик	Тўғри жавоблар сони	Абитуриентлар сони	Самарадорлик	Тўғри жавоблар сони	Абитуриентлар сони	Самарадорлик	Тўғри жавоблар сони	Абитуриентлар сони	Самарадорлик
1	Қорақалпоғистон Республикаси	3934	448	24.39	3416	382	24.84	518	66	21.80	-	-	-
2	Андижон вилояти	9570	1005	26.45	7318	733	27.73	2252	272	23.00	-	-	-
3	Наманган вилояти	8239	873	26.22	6248	633	27.42	1991	240	23.04	-	-	-
4	Фарғона вилояти	10892	1139	26.56	8601	865	27.62	2291	274	23.23	-	-	-
5	Бухоро вилояти	4521	415	30.26	3567	311	31.86	954	104	25.48	-	-	-
6	Хоразм вилояти	3679	350	29.20	3266	310	29.27	413	40	28.68	-	-	-
7	Сурхондарё вилояти	6778	766	24.58	5534	605	25.41	1244	161	21.46	-	-	-
8	Қашқадарё вилояти	16008	1641	27.10	12959	1295	27.80	3049	346	24.48	-	-	-
9	Жиззах вилояти	5577	568	27.27	4569	451	28.14	1008	117	23.93	-	-	-
10	Навоий вилояти	4304	472	25.33	3798	414	25.48	506	58	24.23	-	-	-
11	Самарқанд вилояти	18174	1669	30.25	16056	1437	31.04	2118	232	25.36	-	-	-
12	Сирдарё вилояти	1223	133	25.54	928	98	26.30	295	35	23.41	-	-	-
13	Тошкент вилояти	6261	649	26.80	4880	492	27.55	1381	157	24.43	-	-	-
14	Тошкент шаҳри	5590	531	29.24	3485	306	31.64	2105	225	25.99	-	-	-
	Жами		**10659**	**27.09**		**8332**	**28.01**		**2327**	**24.18**		**0**	**0.00**

Республика вилоятлари бўйича жавоблар самарадорлиги
Кимё, ўзбекча

Код	Вилоятлар	Жамланган кўрсаткичлар			Олий ўқув юртлари (кундузги бўлим)			Олий ўқув юртлари (сиртқи бўлим)			Ўрта махсус ўқув юртлари		
		Тўғри жавоблар сони	Абитуриентлар сони	Самарадорлик	Тўғри жавоблар сони	Абитуриентлар сони	Самарадорлик	Тўғри жавоблар сони	Абитуриентлар сони	Самарадорлик	Тўғри жавоблар сони	Абитуриентлар сони	Самарадорлик
1	Қорақалпоғистон Республикаси	10246	794	35.85	9286	701	36.80	469	40	32.57	491	53	25.73
2	Андижон вилояти	21087	1513	38.71	17102	1174	40.46	1973	166	33.02	2012	173	32.31
3	Наманган вилояти	22831	1614	39.29	19757	1310	41.89	1837	166	30.74	1237	138	24.90
4	Фарғона вилояти	25399	1797	39.26	20760	1344	42.91	1462	153	26.54	3177	300	29.42
5	Бухоро вилояти	28535	1669	47.49	25855	1447	49.63	1820	131	38.59	860	91	28.25
6	Хоразм вилояти	21854	1331	45.61	19499	1126	48.10	1345	107	34.92	1010	98	28.63
7	Сурхондарё вилояти	14520	1284	31.41	12000	997	33.43	1287	145	24.66	1233	142	24.12
8	Қашқадарё вилояти	43230	3140	38.24	35869	2443	40.78	3527	291	33.67	3834	406	26.23
9	Жиззах вилояти	8011	618	36.01	7110	535	36.92	691	54	29.89	320	29	30.65
10	Навоий вилояти	11660	909	35.63	9915	737	37.37	1207	119	28.17	538	53	28.20
11	Самарқанд вилояти	42084	2805	41.68	37600	2401	43.50	3607	318	33.25	677	86	21.67
12	Сирдарё вилояти	4985	421	32.89	4548	387	32.64	193	15	35.74	244	19	35.67
13	Тошкент вилояти	18469	1426	35.98	14453	1020	39.36	1348	125	29.96	2668	281	26.37
14	Тошкент шаҳри	18574	1150	44.86	16108	938	47.70	1495	141	29.45	971	71	37.99
	Жами		**20471**	**38.78**		**16560**	**40.82**		**1971**	**31.51**		**1940**	**28.45**

Республика вилоятлари бўйича жавоблар самарадорлиги
Француз тили, ўзбекча

Код	Вилоятлар	Жамланган кўрсаткичлар			Олий ўқув юртлари (кундузги бўлим)			Олий ўқув юртлари (сиртқи бўлим)			Ўрта махсус ўқув юртлари		
		Тўғри жавоблар сони	Абитуриентлар сони	Самарадорлик	Тўғри жавоблар сони	Абитуриентлар сони	Самарадорлик	Тўғри жавоблар сони	Абитуриентлар сони	Самарадорлик	Тўғри жавоблар сони	Абитуриентлар сони	Самарадорлик
1	Қорақалпоғистон Республикаси	2961	312	26.36	2328	244	26.50	633	68	25.86	-	-	-
2	Андижон вилояти	4535	421	29.92	3697	323	31.79	838	98	23.75	-	-	-
3	Наманган вилояти	5514	537	28.52	4514	424	29.57	1000	113	24.58	-	-	-
4	Фарғона вилояти	3884	355	30.39	3266	289	31.39	618	66	26.01	-	-	-
5	Бухоро вилояти	5137	408	34.97	4337	327	36.84	800	81	27.43	-	-	-
6	Хоразм вилояти	5115	418	33.99	4678	371	35.03	437	47	25.83	-	-	-
7	Сурхондарё вилояти	3365	359	26.04	2858	294	27.00	507	65	21.67	-	-	-
8	Қашқадарё вилояти	6313	630	27.84	5389	528	28.35	924	102	25.16	-	-	-
9	Жиззах вилояти	2142	228	26.10	1860	194	26.63	282	34	23.04	-	-	-
10	Навоий вилояти	2882	284	28.19	2668	259	28.61	214	25	23.78	-	-	-
11	Самарқанд вилояти	10034	869	32.07	8966	771	32.30	1068	98	30.27	-	-	-
12	Сирдарё вилояти	1214	134	25.17	985	103	26.56	229	31	20.52	-	-	-
13	Тошкент вилояти	2243	200	31.15	1834	153	33.30	409	47	24.17	-	-	-
14	Тошкент шаҳри	3147	247	35.39	2103	140	41.73	1044	107	27.10	-	-	-
	Жами		**5402**	**29.72**		**4420**	**31.12**		**982**	**24.94**		**0**	**0.00**

МАЪМУН АКАДЕМИЯСИДАГИ ИЛК УЧРАШУВЛАР

(Боши 1-бетда)

жавоблардан сўнг шоир ўзининг баҳор, Ватан, Наврўз мавзуида ёзган дилбар шеърларидан ўқиди:

Баҳор.
Баркут кийиб безанди боғлар,
Саҳролар кўксига тақди қизғалдоқ.
Қуёш этагига оқ булут боғлаб,
Ўрик шохларида қовурди бодроқ.
Еллар олиб қочди қишнинг хобини,
Барглар чапак чалиб уйғонди шодон.
Бутоқларга кўниб, гул китобини
Варақлашга тушди булбул
ғазалхон...

Маъмун академияси учрашувлари Янгибозор тумани, Бўзқалъа жамоа хўжалиги Маданият саройида, Абдулла Қодирий номидаги «Муштум» боғида қизғин давом этди.

Сўзга чиққанлар орасида тумандаги 19-ўрта мактабнинг ўқитувчиси, истеъдодли шоира Гавҳар Ибодуллаеванинг гаплари кўпчиликни тўлқинлантириб юборди:

— Мен бешинчи синфларга адабиёт фанидан дарс бераман. Эркин Воҳидовнинг дарсликдан ўрин олган «Нидо» достонини ўтганимизда болалар «мен ўқийман опа, мен ўқийман» деб, бир-бирига гал бермай қўл кўтаришади. Лекин Эркин ака шеъриятининг мухлиси бўлганлигим учун ўз ўқувчиларимдан қизғониб, аввал бу достонни ўзим ўқиб бераман. Учрашувга келаётганимни эшитиб ўқувчиларим илтимос қилишдики, Эркин Воҳидов 2000 йилда мактабимизга учрашувга келсинлар, биз албатта кутамиз, дейишди.

— Гавҳархон, мен икки мингинчи йилни кутмасдан, албатта учрашувга келаман, — деди ўз сўзида Эркин Воҳидов. — Бўзқалъа биз учун энди ўз қалъа, дўст қалъа бўлиб қолди. Бу қадим тупроққа Маъмун академияси учрашувлари туфайли келдик. Шундай бир шеъриятга шайдоликни кўриб, бу юртдаги уйғонишни кўриб, бундай миллий ўзликни танишни кўриб ниҳоятда бошим осмонга етди. Хоразм ҳамиша, ҳамма замонларда дунёни ўзига қаратган. Шундай даврлар бўлганки, Хоразмшоҳларнинг номини эшитганда ярим дунё титроққа тушган. Биргина Жалолиддин Мангубердининг тарихи қанча юракларни ларзага солмайди? Лекин узоқ йиллар Хоразм тарихи ўрганилмади. Собиқ совет замонига бу тарихнинг кераги йўқ эди. Чунки бу ниҳоятда буюк тарих эди. Мустақилликка эришгач, бу тарих тўлалигича ёзиляпти. Энди у Ўзбекистон деган буюк бир мамлакатнинг улкан тарихини тўлдириб туради, унинг ёрқин саҳифаларини ташкил этади.

Туман ҳокими Пўлат Рўзметов, хўжалик бошқаруви раиси Отаназар Абдиреймов учрашув иштирокчиларига миннатдорчилик билдириб, шу кунларда экин мавсумига қизғин тайёргарлик кўрилаётгани, янги мактаблар, боғчалар барпо этилиб, ободончилик ишлари жадал олиб борилаётгани ҳақида сўзладилар.

Шовот тумани ҳокими Бахтиёр Ражабов ижодкорлар билан бўлган суҳбатда шундай деди:

— Шоирларни яхшилик, эзгулик элчилари дейишади. Сизлар билан бўлган учрашувлардан фақат маънавий бойлик, руҳий қувват олдик. Айниқса, йил бошида турган меҳнаткашлар учун катта мадад бўлди. Одамлар шеърни соғинганлиги яққол сезилди. Шундай учрашувларни тез-тез ўтказиб туриш лозим, деб ўйлайман.

Наврўз кунларида қилинган яхши ниятлар ижобат бўлишига ишонамиз. Алишер Навоий номидаги Хива педагогика билим юртида бўлиб ўтган мушоирада Матназар Абдулҳаким, Ошиқ Эркин сингари таниқли шоирлар билан бирга талабалар ҳам ўз ижодларидан намуналар ўқиб бердилар. Бу ерда ҳам Омон Матжон бошлаган шеърий суҳбатни Эркин Воҳидов давом эттириб, жумладан шундай деди:

— Мустақиллик учун толега ҳар қанча шукроналар қилсак арзийди. Тан олиб айтиш керакки, Мустақиллик бўлмаганда, Хиванинг 2500 йиллик тўйи ҳам, Маъмун академияси ҳам қайтадан ташкил этилмаслиги аён эди. Йўлбошчимизнинг саъй-ҳаракати билан мамлакатимизда улкан ишлар амалга ошяпти. Бунда хоразмликларнинг ҳам улкан ҳиссалари борлигини ҳар қадамда сезиб турибмиз. Бўлиб ўтган учрашувларда сўз ва шеър дийдорига чанқоқлигимиз сезилади. Шоирлар меҳнаткашлардан, шеърият мухлисларидан қарздор эканлигига амин бўлдик. Мустақил юртимизнинг навбатдаги янги бир баҳори бошланди. Бу баҳор, бу Наврўз юртимизга тинчлик, фаровонлик, қут-барака олиб келсин!...

Ашурали ЖЎРАЕВ

ХАТЛАРДАГИ ҚАЛБ ҲАРОРАТИ

ИЖОДИЙ ГУРУҲ ИШ БОШЛАДИ

Мактабимизда иш бошлаган «Зиёкор» ижодий гуруҳи аъзолари «Таълим тўғрисида»ги Қонун ва «Кадрлаш тайёрлаш миллий Дастури» талабларидан келиб чиққан ҳолда иш олиб бормоқдалар. Улар синфларда янги Қонуннинг эски Қонундан фарқи, янги Қонун қабул қилиниши сабаблари, Қонун ва Дастурнинг мақсад ва вазифаларини таҳлиллар билан тушунтириб бермоқдалар.

Гулнора ШАМСИЕВА,
Ғиждувон туманидаги 34-мактабнинг 1-тоифали кутубхона мудираси

КЕЛИНЧАКЛАР ДОВРУҒИ

Оила йили муносабати билан «Энг ибратли келинчак» кўрик-танлови халқ ўртасида эътиборга эга бўлиб, муваффақият қозона олганлиги боис, унинг доираси кенгайиб бормоқда. Ўрта Чирчиқ туманидаги «Роватак» деҳқон-фермер хўжаликлари уюшмасининг маданият саройида бўлиб ўттан қизиқарли беллашувда 37-боғча мусиқа тарбиячиси Муяссар Саидазимова ғолиб чиқди. Келинчаклар довруғи бутун Роватакка ёйилди.

Дилшод АБДУЛЛАЕВ,
Ўрта Чирчиқ туманидаги 26-мактаб ўқувчиси

БИЛМАЙИН БОСМАНГ ТИКАННИ...

(Боши 1-бетда)

Шундан кейин қўлимга фалсафа фанлари доктори А.Усмонов таҳрири остида чоп этилган «Ислом» маълумотномасининг қайта ишланган ва тўлдирилган 3-нашрини олиб, ваҳобийлар ҳақида маълумот қидирдим. Китобдаги маълумотларга қараганда: ваҳобийлар — исломдаги диний-сиёсий оқим тарафдорлари. XVIII асрда Арабистонда вужудга келган, унга Муҳаммад ибн Абд ал-Ваҳҳоб (1703—87) асос солган. Унинг тарафдорлари ўз дунёқарашидан келиб чиқиб, якка худоликни қатъий талаб қилган ҳолда ислом динини тозалашга, Муҳаммад давридаги асли ҳолига келтиришга, арабларни «чинакам ислом»нинг яшил байроғи остига бирлаштиришга ҳаракат қилгани ҳамда мусиқа, қўшиқ, театр, кино, тасвирий санъат ва умуман маънавий маданиятнинг тараққиётига қарши чиққанлари, муқаддас жойларга зиёрат қилишни қоралаганлари ҳақидаги маълумотларни ўқидим. Шундан кейин таниқли таржимон Айюб Сабрий Пошонинг Истанбулдаги «Бадр» нашриётида (1992) чоп этилган «Тарихи Воҳҳобийон» китобини кўздан кечирдим. Бу манбада ҳам ваҳобийлик ҳаракати ҳақида бир туркум жиддий маълумотлар битилган. Жумладан, китобда «Ваҳҳобийлар Тоифга ҳужум қилган чоғларида кутубхоналардаги такя, зовия ва хонадонлардаги диний, адабий асарларни, қолаверса, Қуръон, ҳадис, тафсир китобларини парчапарча қилиб йиртдилар. Шаҳардаги аҳли суннат олимлари бешафқат қатл этилди...

Ваҳҳобийлар Қуръон таржимони Абдуллоҳ ибн Аббос ибн Абдулмутталиб сингари буюк зотларнинг мақбараларини бузиб, қабрларини очиб, жасадларини ёқмоқчи бўладилар, аммо каромат туфайли жасадларининг бирортасига зарар етказа олмадилар. Пайғамбаримиз завжалари Хадича онамизнинг, Уҳуд жанги шаҳидларининг қабрлари ҳам ваҳҳобийлар томонидан вайрон қилинган», дейилади.

Маълумки, ислом уммати жуда кенг маънода ранг-барангликдан иборат. Шариатга ва суннатга мувофиқ келган ҳар қандай фикр-қараш исломда ўз ўрнини топиши мумкин. Зеро, буюк мутасаввуф олим Нажмиддин Кубро ҳазратлари: «Аллоҳга олиб борувчи йўллар — яратиқларининг нафаслари қадар (кўп)дир», деб бежиз айтмаган. Бугунги кунда озод юрт келажаги бўлмиш ёшларимизнинг билиб-билмай жаҳолат ботқоғига тушиб қолмасликлари учун уларни ғаразли мақсадларни кўзлаган дин ниқобидаги сиёсий оқимлар таъсиридан асраш ҳаммамизнинг бурчимиздир.

Ғафур ЭШМОНОВ,
ЎзФА Алишер Навоий номидаги Адабиёт институтининг илмий ходими

1998 yil — Oila yili

ОИЛАВИЙ МУСОБАҚА

Фарзанд тарбиясида ота-онанинг, айниқса онанинг ўрнини ҳеч нарсага тенглаштириб бўлмайди. Болаларнинг баркамол бўлиб вояга етишларида онадан чидамлилик, сабр-тоқат, ирода, бардошлилик талаб қилинади.

Пойтахтнинг Шайхонтоҳур туманидаги 84-мактабгача ва бошланғич таълим муассасасида Оила йили муносабати билан оилавий топқирлик мусобақаси бўлиб ўтди. Мусобақада мактабга тайёрлов гуруҳининг икки нафар тарбиялануvчилари «Қалдирғоч» (Солиҳовлар оиласи), «Ҳумо» (Абдураҳмоновлар оиласи) командалари ўзаро беллашдилар.

Топқирлик мусобақасида баҳор, математик амаллар ечиш, топишмоқ, тез айтиш, бошқотирма, география, оилавий иқтисодга оид ҳамда 17 та саволга ўйламасдан тез жавоб қайтариш каби шартлар ўрин олди. Мусобақада, айниқса, болалар фаоллигига алоҳида аҳамият бердилар. Беллашув болаларни ўйлашга, фикр юритишга, чаққонликка ўргатиш билан бирга кўпроқ китоб мутолаа қилиш, билимли бўлишга ундади. Мусобақада қатнашчилар ва залда йиғилган ота-оналар ҳам уйда фарзандлари билан кўпроқ шуғулланиш, уйга берилган вазифаларни мустақил бажаришлари юзасидан мунтазам назорат ўрнатишлари лозим эканлигига яна бир бор ишонч ҳосил қилдилар.

Ғоят қизиқарли ва жонли ўтган бу беллашувни ўтказишдан мақсад кичкинтойларнинг билимга бўлган иштиёқини, ота-оналарнинг эса ўз фарзанди ўқиши билан қизиқишларини ошириш.

Топқирлик беллашувида ҳар икки команда аъзолари фаол иштирок этдилар. «Ҳумо» командаси — 17, «Қалдирғоч» командаси 15 балл тўплади. Командаларга муассаса ҳомийлари — «Искандар» ҳамда «Гранит» фирмаларининг қимматбаҳо эсдалик совғалари топширилди.

Ҳа, Оила йилида ўтказилган оилавий мусобақа ота-оналар, мураббийлар ва айниқса, дилбандларимизда яхши таассурот қолдирди.

Дилбар ХЎЖАЕВА

Суратларда: оилавий мусобақадан лавҳалар

В.ЛИНАТОВ олган суратлар

2-SINFDA O'QISH DARSLARI REJASI

4-chorak. 8 hafta, 34-soat.

Zumrad bahor-bahri diling ochar.

106-dars. Bahor. Go'zal fasl.

107-dars. Ko'klam. Hissang qo'sh. (Z. Mo'minjon, E. Rahimov). Yashnagan o'lkam.

108-dars. Daraxtlar suhbati. Barcha daraxt ham yaxshi.

109-dars. Bahor. Uyg'un. Bahor go'zalliklari.

110-dars. Tomchi haqida ertak. (O'. Hoshimov) Do'stlikning hosiyati.

111-dars. Kuyni sevgan gullar haqida ertak. (R. Karimov) Kuy sehri.

112-dars. Bolalar o'ynasin deb. (Mirshakar) Quyoshbobo mehri.

113-dars. Sinfdan tashqari o'qish.

114-dars. Ijodiy mashg'ulot: «Zumrad bahor». Go'zal fasl.

115-dars. Buvijonimga. (N.Isoqova) Ona aziz. (A. Firdavsiy). Ona — ulug' zot.

116-dars. Rasm. Tojidolin G'oziev. Oyimga sovg'a.

117-dars. Nilufar. Gulning paydo bo'lishi.

118-dars. Gullar suhbati. Aziza Ahmedova. Gul bilah go'zal dunyo.

119-dars. Marvarid gul. Eng yaxshi sovg'a.

120-dars. Navro'z — bahor bayrami. Uyg'onish davri.

121-dars. Sumalak. Navro'z ne'mati.

122-dars. Sinfdan tashqari o'qish.

123-dars. Jayron bolasi. Chiroyli hayvon.

124-dars. Ob-havo darakchilari. Ob-havo qanday bo'ladi.

125-dars. Bo'lim yuzasidan umumlashtiruvchi dars.

126-dars. Ijodiy mashg'ulot: «Mening akam».

Quchlar va hayvonlar — bizning do'stimiz.

127-dars. Qushlar bizning do'stimiz. Qushlar bizning do'stimiz.

128-dars. Qanotli do'stlar. M. To'ychiev. Qushlarga g'amxo'rlik.

129-dars. Chumchuq. Zarg'aldoq. Vafodor do'st.

130-dars. Turnalar. Ilyos Muslim. Mehmon qush.

131-dars. Kuchukcha bilan uloqcha. Ajoyib suhbat.

132-dars. Arslon. Ashurali Boymurodov.

133-dars. Bo'lim yuzasidan umumlashtiruvchi dars.

134-dars. Sinfdan tashqari o'qish.

Tabiatni asrang — avaylang!

135-dars. Shudring. Muhammad Ali. Gullar chiroyi.

136-dars. Yulduzlar. Mashrab Boboyev. Birdamlik.

137-dars. Tabiatning jonli bezadi. Kapalaklar.

138-dars. G'alaba kuni. Muxtor Xudoyqulov. Tinchlik bo'lsin dunyoda.

139-dars. Sinfdan tashqari o'qish.

140-dars. Rahmat, bolam. Otash Holmirsaev. Bobomlarni sevaman.

141-dars. Topishmoq. Ibrohim Donish. O'ylab top.

142-dars. Oq terakmi, ko'k terak? O'yin.

143-dars. Ob-havo darakchilari. Ob-havo qanday bo'ladi?

144-dars. Bo'lim yuzasidan umumlashtiruvchi dars.

Yoz — o'tadi soz.

145-dars. Yozda. Issiq kunlar.

146-dars. Yoz — dam olishga soz. Q. Muhammadiy. Yozgi dam — o'qishga hamdam.

147-dars. O'z o'rni bor. Tolib Ilhomov. Hamma narsa bir xil emas.

148-dars. Yoz qo'shig'i. Po'lat Mo'min. Qo'shiq dil so'zi.

149-dars. Bo'lim yuzasidan umumlashtiruvchi dars.

150-dars. Ijodiy mashg'ulot: «Yozgi ta'til rejalari».

2-SINFDA ONA TILI DARSLARINI REJALASHTIRISH

Darslar tartibi	Darsda o'rganiladigan mavzu	Adabiyotlar ro'yxati, sahifasi, mashqlar.
	4-chorak: 8 hafta, 30 soat.	
	Narsa va shaxs belgisini bildirgan so'zlar	
1.	Narsa va shaxsning belgisini bildirgan so'zlar haqida tushuncha.	234—237-mashqlar
2.	Qanday?, qanaqa? so'rog'iga javob bo'lgan so'zlar.	238—240-mashqlar
3.	Qanday?, qanaqa? so'rog'iga javob bo'lgan so'zlar. Qarama-qarshi ma'no bildirgan so'zlarni tuzatish.	243—246-mashqlar
4.	Qanday?, qanaqa? so'rog'iga javob bo'lgan so'zlar yuzasidan mustahkamlash mashqlari.	247—250-mashqlar
5.	Reja yordamida matnni qayta hikoyalash va ta'limiy bayon yozish.	251—252-mashqlar
6.	Math ustida ishlash: «9 aprel — Amir Temur bobomiz tug'ilgan kun».	251—252-mashqlar
7.	Bayon tahlili, xatolar ustida ishlash. O'rganilgan bilimlarni mustahkamlash mashqlari. Sanoq va tartib bildirgan so'zlar.	
8.	Narsa va shaxslarning sanog'i va tartibini bildirgan so'zlar haqida tushincha.	253—256-mashqlar
9.	Nechta?, qancha? yoki nechanchi? so'rog'iga javob bo'lgan so'zlar.	257—260-mashqlar
10.	Diktant.	
11.	Diktant tahlili, xatolar ustida ishlash.	
	Gap. Bog'lanishli nutq.	
12.	Gap kim (kimlar) yoki nima (nimalar) haqida aytilganini bildirgan so'zlar.	261—263-mashqlar
13.	Gapda so'zlarning o'zaro bog'lanishi yuzasidan mashqlar.	264—267-mashqlar
14.	Gapda so'zlarning bog'lanishini aniqlash yuzasidan mashqlar.	269—271-mashqlar
15.	Bir mavzuga oid rasmlar yordamida hikoya tuzish va uni ma'lum tayyorgarlikdan so'ng yozish.	272—273-mashqlar
	O'quv yili oxirida takrorlash.	
16.	Tovushlar va harflar, bo'g'in, alifbo haqidagi bilimlarni takrorlab, umumlashtirish.	274—275-mashqlar
17.	So'zlarni to'g'ri talaffuz qilish va bo'g'in ko'chirish uchun bo'lish.	276—278-mashqlar
18.	Tekshirish diktanti.	
19.	Diktant tahlili, yo'l qo'yilgan xatolar ustida ishlash. O'rganilgan bilimlarni mustahkamlash mashqlari.	
20.	Matn ustida ishlash. Bosh harflarning ishlatilishi, bo'g'in ko'chirish qoidalarini mustahkamlash mashqlari.	281—282-mashqlar
21.	Rasmlar va reja asosida hikoya tuzish va uni ma'lum tayyorgarlik ko'rib yozish.	283—284-mashqlar
22.	«9 may — G'alaba bayrami» mavzusida math ustida ishlash.	279—280-mashqlar
23.	Yozma ishlar tahlili, xatolar ustida ishlash.	
24.	Narsa va shaxs nomini, harakatini, belgisini, sanog'ini bildirgan so'zlar.	285—287-mashqlar
25.	Shaxs va narsalarning nomini, harakatini, belgisini, sanog'ini bildirgan so'zlar.	288—291-mashqlar
26.	Matnni reja yordamida qayta hikoyalash, ma'lum tayyorgarlik ko'rgach, yozdirish (bayon).	
27.	Yozma ish tahlili, bosh harflarning ishlatilishi va bo'g'in ko'chirish qoidalarini mustahkamlash.	
28.	O'rni almashtirib berilgan gaplardan rasmlar yordamida hikoya hosil qilish va uni yozish.	292-293-mashqlar
29.	O'rganilganlarni mustahkamlashga doir umumlashtiruvchi dars.	294- va boshqalar
30.	Yakuniy dars.	295-mashq.

Mulohaza

ИНКОР ЗАМИРИДАГИ ДАВОМАТ*

Шахс иродаси атроф-муҳит қонун-қоидасини ўзиники қилишда асосий хусусият ришгасидир.

Яна шуни айтиб ўтиш керакки, оилада мана бундай нофаол тарбия таъсирида ўтган болалар ҳаётда ўзлари ҳам нофаол кишилар бўлиб етишади. Улар ўз қилаётган ишларига тўлиқ ишонч билан киришмайди, иш фаолиятларида шиддатлари етишмайди, одатда улар ички мулоҳазага берилувчан бўлишади. Шу билан улар кўпинча вақтдан ютқазишиб, воқеа ортидан қувиб юрувчиларга айланиб қолишади. Бундай оҳиста тарбия натижасида бола кўп ҳолларда тажрибасизлик қилиб ўзини топиши, яъни жамиятда оёққа туриши қийин кечади.

МЕН СЕНИ ОДАМ ҚИЛМОҚЧИМАН

Қуёш эрта тонгда ярқираб чиқиб келар экан, тўғри, у ҳаммага ўз нурини бирдай сочади. Аммо бу нурдан ҳар хилда баҳраманд бўлаётганлар унинг нуридан ҳар хил миқдорда олишади ва олиш қодирликлари ҳам ҳар хил. Айнан мана шуни унутиб, биз кўп йиллар ҳамма бола табиатан бир тўғилади; ҳамма ошпаз ҳам давлатни бошқаришга қодир, деб келдик. Буюк ўзбек халқи ниҳоятда оддий сўзлар билан, ниҳоятда буюк фикрни айтиб келади, яъни беш қўл баравар эмас. Лекин орамизда ҳали ҳамон беш қўлни баравар, деб тушунаётган ва ҳали-ҳамон ҳаммани тенглаштирмоқ умидида юрган, нафақат, ота-оналар, қолаверса, кўплаб тарбиячилар ҳам топилиб туради.

Ота-оналар ўртасидаги бу тушунмовчилик бола тақдирига ниҳоятда катта таъсир қилиб, ҳатто уни кўп ҳолларда маънавий мажруҳ, жисмоний инжиқ ҳам қилиб қўйиши мумкин ва бунинг мисолини ҳаётда кўплаб кўргансиз.

Ёш болани қўғирчоқдай кийинтириб қўйиб, унинг умрида бирор бор оёғини лойга ботиришга ижозат бермаган ота-она ўз фарзандидан эркин фикрловчи инсон етиштириб чиқара олмайди.

Қаттиқ назоратда усган бола ута қоидани билувчи бўлиши мумкин, аммо уни қоидани ута жойига қўйиб ижро қилувчи деб тушунмаслик керак. Одатда қаттиқ сиқувда усган болалар мустақилликни умуман унутган, шижоатсиз, доимо орқасига қараб турадиган кишилар бўлиб ўсишади. Улар бирор иш қилса буни бирор киши келиб ҳозир қаттиқ танқид қилиб пучга чиқаради, деб елкасини қисиб яшашади. Чунки бирор-бир кишининг қилган иши бирор маротаба ҳам юз фоиз бошқа кишиларга ёқавермайди. Шундай экан, нимага биз ўз боламиздан унинг қилган ишлари тўлиқ бизга ёқишини талаб қиламиз. Ахир, у ҳам шахс, унинг ҳам ўз диди, кўзи, ҳис туйғуси бор ва улар бизникидан фарқ қилади ва қилиши керак. Акс ҳолда дунё бир шаклга келиб қолган бўлар эди-ку. Қаттиқ сиқувда фарзанд ўстирадиган ота-оналарнинг фожеаси ҳам мана шунда. Мана, Урол домланинг уйидаги аҳвол. У ўз болаларини зир титратиб катта қилмоқда. Болалар бир қараганда ута иболи, тарбияли фарзандлар бўлиб етишмоқда. Лекин Урол домланинг болалари унинг ижозатисиз уйда бор нарсаларни эркин ишлатолмайди. Ҳатто кўп ҳолларда у қизи Санобарга чанг-сўргични юргизиб берган пайтлари ҳам бўлади ва у шундай пайтлар, мен ўзим юргизиб бермасам шуни ҳам бузасизлар, деб қўйишдан тортинмайди. Уғли Давроннинг бирон қилган иши Урол домлага ёққан эмас ва ёқмайди ҳам. Негаки Урол домла ўз хаёлида, Даврон, мана, 18 га кирган бўлишига қарамасдан, уни ҳали-ҳамон кичкина бола санаб ва ачинарлиси, ўзининг иккинчи нусхаси деб ўйлайди. Лекин у Урол домланинг иккинчи нусхаси эмас, у ҳозир ёш йигит, успирин. Урол домланинг сиқувидан чиқиб бирон ишни мустақил қилишни билмаган Даврон ўтган йили институтга ҳам киролмади. Бу йил у институтга Урол домланинг танишлари орқали шартнома асосида жойлаштирилди. Даврон мактабдаги сиқувлардан озроқ эркинликка чиққан бўлса ҳам, ҳали-ҳамон Урол домланинг қаттиқ назоратидан қутилган эмас. Унинг дарсга борганбормагани, дарслар нечада тамом бўлганию нимага у уйга кеч келганигача, Урол домла уйга телефон қилиб текшириб туради. Натижада, Даврон ҳар бир соату иложи бор фурсатда Урол домланинг назаридан қочишга ҳаракат қилиш одатини чиқарди. Урол домла ўзи институтда ўқиб юрганда қанчалик банд ва қанчалик бекор бўлганини унутган шекилли, бугунги кунда у Давроннинг қулоғига «бизлар фақат ўқир эдик, буш вақтимиз бўлмас эди», деб азон айтгани-айтган. Бу азонлардан безор бўлган Даврон бугунги кунда Урол домлани алдаш, ёлғон гапириш йўлига кириб бормоқда. Мана, озодликнинг майини татиб кўрган Даврон энди бу озодлик кунларига пул кераклигини тушунмоқда. Урол домладан эса бир сўмни олиш, унинг оғриқ тишини суғуриб олишдан ҳам қийин.

Бу ҳолни руҳшуносларнинг оддий тушунтиради, яъни қаттиқ сиқувда усган бола сиқув сусайган пайтданоқ озодликни чегарасиз деб тушунади ва сурункали хатоларга йўл қўяди, хатолар устига хатолар қилади ва бу билан қаттиқ сиқув тарафдори бўлган ота-онасига яна бир далил беради.

Ота-она эса болани мустақил ҳаётга ўргатмагани учун эмас, унинг «одам бўлмаганидан» нолиб каттакон инсонни ёш бола санаб умри ўтади.

ЭРКИНЛИК ЧЕГАРАСИНИ БИЛГАН ИНСОН ЭРКИН БЎЛАДИ

Қуёш тонгда ўрмалаб чиқиб келаверади. Аммо биз ҳаммамиз бу буюк қонуниятни ўзимиз учун қашф қилишимиз керак. Буни биримиз узоқ йиллар давомида кўриб, сезиб келсак-да, қачондир бир куни алоҳида мулоҳаза юритиб ўзимиз етиб борсак, бошқамизга сиқув, буров, ниқтов орқали кимлардир томонидан ўргатилади. Бошқа биримиз эса, мана шу ҳаёт гирдобини ҳар куни ҳис қилиб, унинг ҳар бир унсурига тиш теғизиб, илк кашфиётларни ҳали ўзимиз тушуниб етмай ҳам қилиб улгурган буламиз. Биринчи йўл бош тошга текканда ўрганиш бўлса, иккинчиси, вой-дод емайман йўли бўлади, учинчиси ҳар биримиз учун шайтон аравани қайта ихтиро қилиш йўли бўлиб қолиши мумкин. Бу жойда ҳар учаласининг ҳам ижобий ва салбий томонлари борлигини қайд қилиб ўтамиз, холос. Бизга қолса, учинчи йўл ёқимлироқдир. Бу ўринда Узбекистонимизнинг Фарғона водийсидаги болаларга муносабат бизга жуда ёқади. Водийликларнинг кўпчилиги боланинг раъйини қайтаришмай, «сизлаб» катта қилишади. Болага айнан мана шундай муносабатни америкаликларда ва баъзи ғарб мамлакатларида ҳам учратамиз. Бола ҳатти-ҳаракатининг умумий чегараси назорат қилиниб, ички эркинлик имкони яратиб берилади. Шунинг учун бола тенгдошлари орасига тушганда биринчи кунданоқ ўзини эркин сезади.

Маҳмуд ЙЎЛДОШЕВ,
руҳшунослик фанлари номзоди

(Давоми бор)

* (Давоми. Боши газетанинг ўтган сонларида)

Ким чиройли чизибди?

«Ёш куч» меҳмонимиз

Кейинги йилларда матбуотга қўйилаётган замон талаблари ўзгармоқда. Энди муштарий диди, хоҳиш-истаги, маънавий эҳтиёжлари билан ҳисоблашмаган муҳаррирнинг иши унмайди: газет ва ё журнал касодга учрайди. Шуларни инобатга олган «Ёш куч» ходимлари замон билан ҳамнафас қадам ташлаяптилар, десак муболаға бўлмайди.

Журналнинг яқин тарихига назар ташласак, у бир пайтлар 700 минг нусхагача чоп этилган. Жамиятимиз қиёфаси, инсонларнинг тафаккури ўзгараётган бугунги даврга келиб журнал 10 минг нусхада чоп этилмоқда. Бу кўрсаткич бугунги шароитда юқори саналади. Йиллар давомида ҳаётимиздаги иқтисодий қийинчиликлар камайиб борар экан, журналнинг адади унга қарама-қарши ўлароқ ўсиб бораверади. Бунга ишончимиз комил.

Бугунги кунда «Ёш куч»нинг асосий мақсади ўз атрофига мамлакатимизнинг энг истеъдодли ижодкорларини тўплаш, уларнинг янги, ўзига хос ғоя ва фикрларини кўпчиликка етказиш журнални ҳам мазмун, ҳам сифат жиҳатидан дунёдаги зўр журналлар даражасига кўтариш, ўзбекларнинг интеллекти бошқалардан паст эмаслигига, аввало, ёшларимизда ишонч уйғотиш ва буни исботлашдан иборат бўлмоқда. Шунингдек, журнал ёшларнинг фикрлаши, дунёқарашини, яшаш маданиятини юксалтириш, улардаги миллий ғурурни уйғотиш, шахс сифатида шаклланишларини таъминлашга интилмоқда.

Журналдаги «Мардлар қўриқлайди Ватанни», «Қатортолга мактублар», «Баҳс», «Шеърият», «Наср», «Мусиқа», «Маънавият», «Санъат», «Қизларжон», «Синфдош», «Аниқ фанлар академияси», «Тест», «Соғлом авлод», «Ёпирай», «Биз танлаган йўл», «Тадқиқот» каби ўнлаб ажойиб рукнларда ҳаётимизнинг деярли барча жабҳаларидаги ўзгаришлар, янгиликлар хусусида сўз боради. Унинг саҳифаларида ёшларни китоб ўқишга, матбуотни кузатиб боришга қизиқтириш учун сиёсат, тарих, адабиёт ва санъат соҳаларини қамраб олган «Тест — лотерея» ўйини ҳам ташкил этилган.

Ўтган йили журнал ўзининг тўла-тўкис янгича ғоявий йўналишини намоён қилди. Барча сонларида ёшларимизни маънавиятли, билимли, ватанпарвар, ҳар томонлама камолат эгаси бўлиб тарбия топишларига муҳим ҳисса қўшди. Айниқса, журналнинг илми нужум, астрология, толенома ва гороскоп асосида чиқарилган ой тақвими (3-сон, 1997 йил), Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлардаги ҳунар мактаблари ҳаётидан баҳс юритувчи махсус сони (4-сон 1997), бокс бўйича жаҳон чемпиони; 61 кг вазн тоифаси бўйича ВОнинг мутлақ ғолиби ва «Олтин камар»нинг доимий соҳиби, Ўзбекистон Республикаси «Меҳнат шуҳрати» ордени соҳиби Артур Григорян ҳаёти ва фаолиятига бағишланган махсус сони (5-сон, 1997) ва бошқалар кўп минг сонли муштарийлар қатори бизни ҳам «Ёш куч»га нисбатан ҳурмат-эътиборимизни ортишига сабаб бўлди.

Сизларни ҳам «Ёш куч» ҳеч қачон тарк этмасин, азизлар!

Норали ОЧИЛОВ,
«Маърифат» мухбири

ЎҚИНГ, ФИКРЛАНГ, МУНОСАБАТ БИЛДИРИНГ

АССАЛОМУ АЛАЙКУМ! ҲУРМАТЛИ «МАЪРИФАТ» МУШТАРИЙЛАРИ!

Инсон ўзини бағишлаши, ҳатто ҳаётини қурбон қилиши мумкин бўлган азиз нарсалар дунёда жуда кам. Шулардан бири — фарзанд. Фарзандингиз ҳақида биров яхши гап айтса оламга сиғмайсиз, ўша одам кўзингизга авлиёдай кўринади.

Фарзандингизга илму адаб ўргатаётган, дунёни танитаётган одамчи! Унга бўлган эъзознинг чегарасини, унинг асабию умрини аямай сарфлаётган меҳнатининг қадру баҳосини белгилаб бўладими! Айниқса, ҳозир — ўтиш даврида яшашнинг осонроқ йўлини излаб кетиб қолмай мактабда сабоқ бераётган Сиз ўқитувчиларга, устозларга таҳририятимиз ходимларининг эҳтироми баланд. Тўғри, ҳамма ҳам бу меҳнатнинг асл заҳматларини кўрмайди, бундайлар тўрт сўм пул топиб мактабни писанд қилмай қўйган ота-оналар ичидан ҳам, пасту баланд амалдорлар ичидан ҳам топилади. Лекин айни вақтда Сиз — мактаб раҳбарлари, ўқитувчилар чин маънода эртанги кунимизни яратаётганликларингиз ҳақиқатдир.

Сизларнинг миллатни маърифатли қилиш борасидаги ишларингиз билан бизнинг ҳам фаолиятимиз ҳамоҳанг. Ёшларимиз замоннинг ўткинчи шамолларига эргашиб кетиб қолмасин, илму-ҳунарга кўнгил қўйсин, дунёқараши кенг бўлсин, биров унга қўлини бигиз қилиб кўрсатишига йўл қўймасин, ғурурли, ориятли, маданиятли бўлсин деймиз. Биламизки, Сизларнинг ҳам мақсадларингиз шу. Шу маънода бевосита ҳамкорлик, учрашувимиз бир марта ёхуд аҳён-аҳёнда бўлмаса, доимий ва давомли бўлса. Албатта, бунинг учун биз бир-биримизнинг умумий мақсадларимизнигина эмас, ҳаётимизни, режаларимиз, қувонч ва муаммоларимизни ҳам яхши билишимиз лозим. Шу мақсадда Сизларга бир неча саволлар билан мурожаат қилмоқдамиз.

Саволларга жавоблардан ташқари журналимиз ҳақида, унинг мавзулари ҳақидаги истак-мулоҳазаларингизни ҳам кутиб қоламиз.

Эҳтиром ила «Ёш куч» журнали жамоаси

«ЁШ КУЧ» ЖУРНАЛИ АНКЕТАСИ

Мактаб директорлари учун

1. Мактаб номи, манзили?
2. Исми шарифингиз?
3. Ёшингиз?
4. Мутахассислигингиз?
5. Нечта фарзандингиз бор?
6. Турмуш ўртоғингизнинг касби?
7. Фақат мунтазам ўқиб борадиган газета ва журналларингиз?
8. Қайси ёзувчилар, шоирлар, TV кўрсатувлари Сизга ёқади?
9. Мактабингизда қанча ўқувчи, қанча ўқитувчи бор?
10. Мактабда 1997 йилда кимлар билан учрашувлар ўтказилди?
11. Мактабингиз ҳақида «Ёш куч» журналида ёзишларини хоҳлармидингиз, қайси жиҳатларини?
12. Қайси фанлардан дарсликлар, қўшимча қўлланма ва адабиётлар етишмайди? (Номлари, мавзуи, сони)
13. Болаларнинг ўртасида ҳозир қизиқиш кўпроқ қайси соҳага бўлиб қолди, деб ҳисоблайсиз (фан, бозор, ҳеч нарсага)?
14. Мактабда аёл ўқитувчилар кўп бўлгани яхшими, эркак ўқитувчилар? Сизнинг мактабингизда қандай?
15. Ўтган йили мактабингиздан қанча ўқувчи Олий ўқув юртига ўқишга кирди?
16. Баҳолашнинг тест услубига муносабатингиз?
17. Мактаб ўқув дастуридаги қайси фанлар ортиқча деб ҳисоблайсиз?
19. Қайси фанга энг кўп соат ажратилиши керак деб ҳисоблайсиз?
20. Мактабингизни кўнглингиздаги даражага кўтариш учун нималар сизга халақит беради?
21. Мактабингизга юқоридан тез-тез текширишлар келиб тургани яхшими, ёмонми (сабаби)?
22. Ўқувчиларни қишлоқ хўжалик ишларига жалб этиш масаласи Сизнингча кимнинг ихтиёрида бўлиши керак: Президент, вилоят ҳокими, туман халқ таълими бўлими, мактаблар директори. (Кераклигини остига чизинг ва изоҳ беринг)
23. Ўқувчиларнинг хулқ-атворига салбий таъсир қилаётган нарсалар?
24. Мактабингизда компьютер борми (номи, сони)?
25. Мактабингизда қайси чет тили ўтилади?
26. Мактабингизда таъмирлаш ёки ўтказиладиган бирор тадбир муносабати билан иқтисодий муаммо туғилиб қолганда кимга мурожат қилсангиз иш тезроқ битади:
Туман ҳокимига, туман халқ таълими бўлимига, бирор ташкилот ёки фирмага, ота-оналарга (тагига чизинг).
27. Имконият бўлганда хусусий мактаб очармидингиз? Агар очсангиз, ҳозирги мактабингиздан нимаси билан фарқ қилар эди?
28. Агар ҳаётингизни қайта бошлаш имкони бўлганда қайси касбни эгаллаган бўлардингиз?
29. Бўш вақтингизда нима билан шуғулланасиз?
30. Жавобларингиз журналда эълон қилинишини хоҳлайсизми? Ҳа. Йўқ (остига чизинг).
Мурожаатимизга эътибор қилиб, жавоб йўллаганингиз учун олдиндан миннатдорчилик билдирамиз!

«Ёш куч» журнали таҳририяти

O'gitlar

ҲАЁТ САБОҚЛАРИ

Ҳаёт — муаллим, дейишади. Шу биргина калом ичига жойлашган маъно оламга татигулик. Одам боласи борки, туғилганданоқ улкан мактаб — ҳаёт сабоғини ола бошлайди. Улардан тўғри хулоса чиқара олган, ўрганганларини ўргатишга аҳд қилган кишиларнинг ишларига эзгу, хайрли деб сифат берамиз. Чиндан ҳам уларнинг авлодларга бераётган билимлари, ўгитлари келажагимизнинг порлоқ бўлишига, фарзандларимизнинг асл инсон бўлиб камолга етишига хизмат қилади.

1938 йилнинг айни авжи баҳор фаслида Жиззах шаҳрида таваллуд топган, ҳозирда Тошкент Давлат Санъат институтида ўқитувчилик қилаётган доцент Мели Норматов шу кунларда олтмишинчи баҳорини қаршилади. Домланинг ҳаёт йўлига назар солсак, унда машаққату ташвиш, ҳузуру ҳаловат ва охироқибатда камолат кўзга ташланади. Қуйида сиз Мели аканинг ушбу йўлда сайқаллашиб, авлодларга айтарли даражада тобига етган фикрлари, насиҳатларидан ўқийсиз.

Ўзингизни бошқалардан устун қўйманг. Шоҳнинг ҳам, гадонинг ҳам кўнглида бир ҳовуч гавҳари бор.

●

Боболар, олдинга тортишга ҳўкиз, орқага тортишга бўри кучли, дейдилар. Сиз эса икковидан ҳам кўр-кўрона ўрнак олманг.

●

Бошига мусибат тушган одам билан мулойимлик билан гаплашинг. У ҳар нарсага тайёр туради.

●

Отам ҳам пулим, онам ҳам пулим, деб аюҳаннос солиб юрувчилар яхши англаб, қулоқларига қўрғошиндай қуюб олсинларки, дунёда бойлик билан ҳал қилиб бўлмайдиган муаммолар жуда кўп...

●

Имкон қадар ота-онангиз билан бир идишда таом еманг. Улар сизга илиниб, тезда қўлларини артадилар.

●

Халқ ўртасида, бир йигитга қирқ ёки етмиш ҳунар ҳам кам, деган нақл бор. Эҳтимол, бу тўғридир. Лекин бунчалик кўп ҳунарни чала билгандан кўра биттасини мукаммал эгалламоқ минг марта аълодир!

●

Мардга мардларча муносабатда бўлинг. Акс ҳолда номард ишини қилған бўласиз.

Бир танишим ҳар кўришганда, албатта, кимнингдир иғвосини қилади. Кейинги учрашганда ломмим демай турарди. Нима учун бундай бўлди, деб суриштирсам, иғво қилмаган одами қолмабди.

●

Оғзим мустаҳкам, сиримни ҳеч ким билолмайди, деб катта кетманг. Барча ҳатти-ҳаракатингизни яратган билиб, кўриб туради.

●

Бировдан нима олсангиз ҳам вақтида қайтаринг. Қайтаролмасангиз узр сўранг. Акс ҳолда кўнгил хираликлар содир бўлади.

●

Бола азиз — одоби ундан азиз. Фарзандларингиз одоб-ахлоқи қандайлигини билмоқчи бўлсангиз дўстлари даврасида кузатинг.

●

Ҳақ гапни айтишдан чарчаманг. Ҳақиқат эгилади, синмайди. Барибир ютиб чиқасиз.

●

Дунёда шунчаки кузатувчи бўлиб яшаманг, ҳаёт жуда зерикарли ва ночор ўтади.

Sport maydonchasi

ЧЕМПИОН ТАСЛИМ БЎЛДИ

Футбол бўйича ўтган йилги чемпион — МҲСК еттинчи мавсумнинг иккинчи турида Навоийнинг «Зарафшон» командасини қабул қилди ва 2:0 ҳисобида мағлубиятга учради. Қолган учрашувлар қуйидаги натижалар билан тугади: «Пахтакор» — «Темирйўлчи» — 4:2, «Андижон» — «Бухоро» — 2:0, «Нефтчи» — «Суғдиён» — 2:0, «Насаф» — «Металлург» — 2:0, «Дўстлик» — «Хоразм» — 0:0, «Навбаҳор» — «Косонсой» — 3:0.

МАЙК ТАЙСОН ЯНА...

Хуллас, темир мушт Майк Тайсон яна жаримага тортилди. Унга қўйилган айб яна эскича турмушни эслатади. Эмишки, бу чемпион АҚШнинг таниқли хонимларидан иккитаси билан дам олган. Алкагол ичимлиги таъсирида уларнинг бирига қўпол муомала қилган. Қизиғи шуки, хонимларнинг биттаси полициячи экан. Навбатдаги жарима миқдори 22,5 миллион АҚШ долларига тенг.

«СПАРТАК» — «ИНТЕР» — ?

Футбол бўйича УЕФА кубогининг навбатдаги босқичида, яъни ярим финалда Москванинг «Спартак» командаси Италиянинг «Интер» клубига қарши майдонга тушадиган бўлди.

«Интер» 1/4 финалда Германиянинг «Шальке-04» командасини мағлуб этган эди. Иккинчи жуфтликда «Лацио» (Италия) — «Атлетино» (Испания) командалари «беллашади».

МИШЕЛ ПЛАТИНИНИНГ САЛОМИ

Мамлакатимизда еттинчи футбол мавсуми бошланиши муносабати билан жаҳон чемпионатининг ташкилотчиларидан бири, собиқ машҳур футболчи, француз Мишел Платини юртдошларимизга оташин салом йўллади. Ватанимиздан 3 кишини жаҳон чемпионатига таклиф этди.

ҚОНЛИ СПОРТ...

Ўтган ҳафтада Киев неврохирургия институти реанимация бўлимида АҚШлик 31 ёшли муштлашувчи Дейч Даглас вафот этди. У яқингинада ҳеч қандай қонун-қоидасиз муштлашувда харьковлик Евгений Золатарёв билан тепкилашган эди. Оқибат бошмияга қон қуйилиши ва фожиали ўлим билан тугади.

Seminar-kengash

СПОРТДА СИФАТ ЯХШИЛАНДИ

Ҳаракат — инсон тириклигининг бирдан-бир белгиси. Киши ҳаракати қанчалик фаол бўлса, тани нақадар соғлом бўлса, руҳи ҳам шу қадар кўтаринки, ўзи хушчақчақ бўлади. Хушчақчақлик ва кўтаринки кайфият ўз-ўзидан инсон фаолиятининг ҳар қандай кўринишида ҳам юқори, кутилгандан ҳам аълороқ натижаларга эришишга гаров бўла олади.

Республика Таълим марказида икки кун давом этган илмий-амалий анжумандан кўзда тутилган мақсад ҳам, аввало, соғлом, баркамол авлод жисмоний тарбиясини оширишга қаратилганди. Семинар моҳиятан Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни ҳамда «Кадрлар тайёрлаш миллий Дастури»ни амалга оширишнинг ўзига хос йўналиши сифатида «Ўрта ва олий педагогика ўқув юртларида жисмоний тарбия ва спорт машғулотлари сифатини яхшилаш» деб номланади. Унга республикамизнинг барча вилоятларидаги 32 та ўқув юртларидан, 4 та педагогика институтларидан, Низомий номли Тошкент Давлат педагогика университети ва Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия институтидан спорт усталари, жисмоний тарбия ўқитувчилари ва олимлар қатнашишди.

Анжуманнинг биринчи кунида қатнашчилар пойтахтдаги Олимпия шон-шуҳрати музейига ташриф буюришди, ўзаро давра суҳбати қуришди. Иккинчи, асосий кунда семинар республика Таълим марказига кўчди. Бу ерда Таълим маркази директори Ғайрат Шоумаров сўзга чиқди ва семинар-кенгашни олиб борди. Қатнашчилар Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги Жисмоний тарбия ва спорт бўлими бошлиғи, доцент Раҳматилла Саломовнинг «Кадрлар тайёрлашда ўқув-тарбиявий жараённи моделлаштириш», А. Авлоний номидаги ХТХМОМИ Жисмоний тарбия ва чақириққача ёшларни тарбиялаш кафедраси мудири, профессор Талъат Усмонхўжаевнинг «Жисмоний тарбиядаги муаммолар ва замонавий талаблар», Ўзбекистон ДЖТИнинг илмий ишлар бўйича проректори, профессор Фахриддин Насритдиновнинг «Жисмоний тарбияда миллий қадриятлар» мавзуидаги маърузаларини тинглашди.

Куннинг иккинчи ярмида анжуман ўз ишини 1-Тошкент педагогика билим юртида давом эттирди. Бу ерда жисмоний тарбиядан очиқ машғулот ўтказилди. Сўнгра семинар шўъбаларга бўлиниб, иштирокчилар маърузалари тингланди. Бир сўз билан айтганда, халқ таълими тизимида узоқ танаффусдан сўнг жисмоний тарбия муаммоларига бағишлаб ўтказилган ушбу анжуман ўз олдига қўйган вазифани бажарди. Буни иштирокчиларнинг хатти-ҳаракатлари ва юз ифодаларидан билиб олиш қийин эмасди.

Н. ОЧИЛОВ

ХАЛҚ ТАЪЛИМИ РАҲБАРЛАРИ!

Давлатимизнинг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни ва «Кадрлар тайёрлаш миллий Дастури»нинг қабул қилиниши барча халқ таълими ходимларига катта масъулиятларни юклади. Юқоридагиларни ҳаётга жорий қилиш мақсадида мактабгача тарбия ходимларининг малакасини ошириш бўйича доимий ишлаб турувчи республика курси 1998 йилнинг апрель ойи учун қуйидаги курсларни режалаштирди. Бу курсларда Ўзбекистон Республикаси давлат идоралари ва республика Халқ таълими вазирлигининг масъул ходимлари, тажрибали педагоглар маърузалар ўқийдилар. Курс давомидаги амалий машғулотлар пойтахтдаги илғор таълим муассасаларида бевосита мулоқот шаклида ўтказилади. Ўқишлар ўзбек ва рус тилларида олиб борилади. Курсларга мактабгача тарбия муассасаларининг қуйидаги раҳбар ходимлари таклиф этилади:

1. Мактабгача тарбия муассаса мудиралари — 1.04 — 28.04.98 йил.
2. Мактабгача тарбия муассаса услубчилари — 1.04 — 28.04.98 йил.
3. Мактабгача тарбия муассаса психологлари (қисқа муддатли курс) — 6.04 — 18.04.98 йил.
4. Туман, шаҳар ХТБ назоратчи методистлар, вилоят малака ошириш институтларининг мактабгача тарбия кабинет услубчилари (мақсадли курс) — 6.04 — 11.04.98 йил.
5. Туман, шаҳар ХТБ назоратчи методистлари (мақсадли курс) — 13.04 — 18.04.98 йил.

Тингловчиларга бепул ётоқхона хизмат қилади. Санаторий-профилакторийга курс тингловчилари 2—3 апрель кунлари курорт карталари билан қабул қилинадилар. Йўл харажати (мақсадли курсдан ташқари) курс ҳисобидан тўланади. Болалик тингловчилар учун курс қошида «Болалар хонаси» мавжуд.

МАНЗИЛИМИЗ: Тошкент шаҳри, Талабалар шаҳарчаси, Саидов кўчаси, 6. Телефонлар: 46-98-04, 46-90-94

Xullas...

УЗОҚ ЯШАШНИНГ СИРИ

Ярославлда инсоннинг ўртача умри 60 ёш. 100 ёшдан ошганлар ҳам йўқ эмас. Статистика маълумотларига қараганда, кексаларнинг аксарияти кампирлар. Хўш, бунинг сири нимада?

Узоқ умр соҳибаси Любовь Бражникова таъкидлайдики, оқ узумдан тайёрланган вино унга ҳар доим куч-қувват бахш этган. Кампир винонинг ўзини эмас, балки унга гўшт қиймалагичдан ўтказилган минг йиллик ўтнинг баргини асал ва лимон аралашмаси билан бирга истеъмол этган. Бир шиша винога яна шунча ўсимлик япроғи ва 300 грамм асал қўшилганда жуда шифобахш ичимлик ҳосил бўлар экан.

Ўтган асрда туғилган Лидия Капустина ҳам вино ишқибози. 75 ёшли қизи бўлган бу кампир ҳозирда «Шекснинск ўлкасининг маиший турмуши»га бағишланган қисса ёзаётир.

СУВ ТАНҚИСЛИГИ

Кузатишлар шуни кўрсатадики, баъзи давлатларда хўжасизлик оқибатида чучук сув заҳиралари камаймоқда. Ер ости сувларининг даражаси ва ичимлик сувининг сурункали камайиб кетиши АҚШ, Жанубий Ҳиндистон, Хитойнинг шимолий туманларида ва учинчи дунё давлатларида ҳам сезилаяпти. Бунга сабаб ўрмонларга қирғин келтириш экан. «Интернешнл Уайлдлайф» журналининг ёзишича, АҚШнинг ўрта ғарбида фермер хўжаликлари ҳам сув исрофгарчилигига йўл қўйишмоқда.

«ДОҲИЙ» ҲАЙКАЛИ АРЗОН БАҲОГА

Кокпейти қишлоғида тарихий шахс Лениннинг 8 тонналик бронза ҳайкалини ишқибозлар бор-йўғи 1400 долларга харид қилишди.

Маҳаллий коммунал хўжалик хизмати директори «доҳий» ҳайкалини сотиб олиб, жуда мамнун бўлди. Ҳайкал сув текинга тушди-да. «Жибек жоли» акционерлик жамияти тадбиркорларининг оғзи қулоғида. Чунки улар бу ҳайкални хитойликларга сотишни мўлжаллаб юришувди, харидор ўзларидан чиқди.

Металломда, Ильичнинг ҳайкали нимага айланганини ҳеч ким билмайди...

500 ЙИЛЛИК АТИРГУЛ

Аризона штатининг Тимбсон шаҳрида дунёдаги энг улкан атиргул ўсади. Бу гул-дарахт танасининг йўғонлиги 127 см, бўйи салкам 3,5 метр. Тарвақайлаб кетган бу атиргул 500 квадрат-метр жойни эгаллаб ётганига нима дейсиз? Айтишларича, бу гул 100 йил муқаддам Шотландиядан келтирилган.

Бу гулнинг «қариндоши» — Ер юзидаги энг кекса атиргул ҳисобланиб, у 500 йил «умр» кўрган. Германиянинг Гильдесгейс шаҳрида ўсаётган бу қари атиргул олдидан зиёратчилар аримайди...

ana shunaqa gaplar

Ma'rifat
ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:
Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси.

Бош муҳаррир
Ҳалим САИДОВ

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 20. Рақам ва далилларнинг ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдирлар. Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди. МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32. ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб — 136-54-17, хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 136-55-58. «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Навбатчилар:
Аҳмад ОТАБОЕВ,
Абдураҳмон ЖЎРАЕВ

ИНДЕКС: 149, 150. Г-01064. Тиражи 59313. Ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2 босишга топшириш вақти — 20.00. Топширилди — 19.00. Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. 1 2 3 4 5 6